ХУШ КЕЛИБСАН ЎЛКАМИЗГА, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 22 март, пайшанба №43-44 (1058)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Халқимизнинг ризқу насибаси зиёда бўлсин, ерга сочган уруғи баракали бўлсин! Яратганимизнинг ўзи юртимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин!

ЭНГ ҚАДИМИЙ, ЭНГ СЕВИМЛИ БАЙРАМИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун еру кўкни яшнатиб, бепоён далалар, баланд тоғлар, гул очган боғларимизни, қир-адирларимизни офтоб нури билан мунаввар этиб, юртимизга кириб келаётган Наврўзи олам билан сизларни, сиз орқали бутун халқимизни муборакбод этишдан бахтиёрман.

Қадрли дўстлар!

Бу дунёда бир-биридан гўзал, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп. Лекин Наврўз айёми беқиёс файзу таровати, кўрку салобати, маъно-мазмуни билан алоҳида ажралиб туради.

Шу боис Наврўз халқимизнинг энг қадимий, энг севимли ва доимо орзиқиб кутадиган миллий байрами, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу кунларда куртакларнинг очилиши, борлиқнинг яшил либосга бурканиши, табиатдаги янгиланиш беихтиёр одамнинг кўзини қувонтиради.

Барчанинг дилида меҳр-оқибат, саховат ва эзгулик, ҳаётга муҳаббат ва ёшариш туйғуларини уйғотади.

Мана шу заминда яшаётган ҳар қайси инсонни ўзлигини англашга, ўлмас қадриятларимизни улуғлаш, аждодларимизнинг қадимий миллий анъаналари, бетакрор санъатини эъзозлаш ва намоён этишга чорлайди.

Бир сўз билан айтганда, бу гўзал байрам чиндан ҳам халқимизнинг ажралмас анъанасига, табиатининг узвий бир қисмига айланиб кетганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бундан минг-минг йиллар аввал, ўша «Авесто» яратилган замонларда ҳам ота-боболаримиз бу улуғ айём кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, бепоён Турон далаларида табиат билан тиллашиб, Наврўз нашидасини сурганлар.

Қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби таомлар қайнатиб, мўл ҳосил, ризқу рўз тилаб, янги-янги орзу-ниятлар билан яшаганлар.

Бугун ҳам дашту далаларда, қирадирларда от чоптириб, курашга тушиб, дошқозонлар атрофида ўйин-кулгу, сайил-томоша қилиб ўтирган инсонларнинг қувончу шодлигини кўриб, Наврўзни халқимиз нақадар интизорлик билан кутишига, бу байрам унинг қалбига нақадар яқин эканига яна бир карра иқрор бўламиз.

Мана шунинг учун узоқ ўтмишимиз ва яқин тарихимизда ҳам ҳеч қандай ёвуз кучлар, ҳаракат ва интилишлар, алдов ва ҳийла-найранглар халқимизни Наврўз байрамидан қайтара олмади.

Шу кунларда кўпмиллатли халқимиз, узоқ-яқиндан келган меҳмонларимиз, юртимиздаги барча инсонлар бу байрамни жуда катта хурсандчилик билан ўтказаётганидан одам беихтиёр қувонади.

Қадим-қадимдан қолган мўътабар анъаналаримизни бажо келтириш, одамларнинг бир-бирига бўлган меҳрибонлигини намоён этиши, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш, ёрдамга муҳтож инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, беморларни йўқлаш ҳам Наврўз байрамининг яна бир хосиятидир.

Ҳеч шубҳасиз, бугун кундалик ҳаётимизда тобора кучайиб бораётган ҳамжиҳатлик, сабр-бардош, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром қанча мустаҳкам бўлса, бошқача айтганда, яхшилик, аҳиллик, ҳамкорлик қанчалик кўп қарор топса, бир-бирини кўролмаслик, тажовуз, ҳасад билан яшашга, умуман, ёмонликка ўрин қолмайди.

Наврўзнинг бутун руҳи, бутун моҳияти, аслида мана шундай олижаноб туйғуларни уйғотишга ва ҳаётимизнинг ҳар соҳаси, ҳар қадамида уларнинг устувор бўлишига даъват этади.

Муҳтарам юртдошлар!

Ён-атрофимизга - Наврўз нафаси, кўклам қуёшидан яшнаб турган шу муаззам боққа бир назар ташлайлик.

Бугун, мана шу майдонда йиғилганларнинг ҳам, Наврўз тантаналарини «ойнаи жаҳон» орқали томоша қилаётган халқимизнинг ҳам нигоҳи Миллий боғимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшиб турган Алишер Навоий бобомизнинг мўътабар сиймосига қаратилган.

Шахсан менга, гўёки ҳазрат Навоий бугун юртимизда бошланаётган Наврўз тўйимизга оқ фотиҳа бераётгандек туюлади.

Ул зотнинг муқаддас диёримизда истиқомат қилаётган инсонларга, барча миллат ва элат вакилларига қарата «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!» деб айтган сўзлари қулоқларимиз остида жаранглаб тургандек туюлади.

Мана шундай шукуҳли бир паллада биз бамисоли баҳорга эшикларимизни очгандек, юракларимизни ҳам эзгу туйғуларга кенг очамиз.

Ва шу муқаддас заминда яшайдиган барча юртдошларимиз номидан «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!» деб айтамиз.

Қадрли ватандошларим!

Бугун, янги аср, янги минг йилликнинг илк Наврўз айёмида сизларнинг бахтиёр чеҳрангизга боқиб, ҳар бирингизни бағримга босиб, баҳор ва нафосат байрами билан яна бир бор қутлайман.

Бугун биз ушбу шодиёнамизга турли давлатлардан ташриф буюрган меҳмонларимизга, хорижий элчихоналар, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, ён-атрофимиздаги мамлакатларнинг халқларига ўзимизнинг самимий тилакларимизни изҳор этамиз.

Келинглар, азиз дўстлар, биродарлар, тун билан кун тенглашадиган мана шу унутилмас айёмда, юртимизга Янги йил кириб келаётган хосиятли дамларда барча эзгу тилакларимизнинг ижобат бўлишини сўрайлик.

Халқимизнинг ризқу насибаси зиёда бўлсин, ерга сочган уруғи баракали бўлсин!

Яратганимизнинг ўзи юртимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин!

Ҳаммангизга Наврўз муборак бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан

репортаж

Ўлкамизга ям-яшил сепини ёйиб фасллар келинчаги Наврўзи олам кириб келди. Борлиқ уйғонди, дов-дарахтлар яшил либос кийиб, теварак-атроф гулу лолага бурканди. Бободеҳқон яхши ният билан ерга уруғ қадашга киришди. Юртимизда Наврўз шукуҳи -яшариш, янгиланиш, бунёдкорлик кайфияти ҳукмрон!

21 март. Соат 10. Пойтахтимиздаги байрамона безатилган Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ранг-баранг гулларга, мушку анбарга бурканган гулшанни эслатади. Баҳор елларида турфа байроқлар ҳилпирайди. Рамзий миноралар устида лайлак уялари. Дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнайди, кўклам таомларининг иси димоқни қитиқлайди. Барчанинг юзида - табассум, юртимиздаги тинч, осойишта ва фаровон турмушдан шукроналик.

Табиийки, ҳар қандай байрам йил давомида амалга оширилган ишларининг самарасини кўриш, ундан қониқиш ҳосил қилиш ҳиссини туйиш билан янада файзли бўлади. Халқимиз бу йилги Наврўзга кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан қадам қўйди. Қисқа вақт мобайнида юртимизда бир-биридан ҳашаматли коллежу лицейлар, турар-жойлар, спорт иншоотлари, улкан кўприклар, йўллар қурилди, боғу роғлар, ҳиёбонлар бунёд этилди. Куни кеча эса Марказий Осиёда ягона Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ҳамда Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушди. Юртимизда амалга оширилаётган бундай хайрли ишларни яна кўплаб санаш мумкин...

Шундай бунёдкорлик салоҳияти дарёдек жўш урган халққа, албатта, байрам ярашади!

... Боғ ўртасида барпо этилган улкан саҳна қаршисида ҳазрат Алишер Навоийнинг салобатли сиймоси қад ростлаган. Ул муборак зот гўё миллат иқболи, авлодлари шижоати, ижоди ва бунёдкорлиги шарафига жозибали ва мафтункор мисралар битмакка, олқишламоққа шайланиб тургандек.

Байрамга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги намояндалари ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ва хорижий меҳмонлар ташриф буюрган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов майдонга кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини барча ўрнидан туриб, гулдурос қарсаклар билан қарши олади.

Янги аср, янги минг йилликнинг илк баҳори - Наврўзи оламга бағишланган байрам тантаналари бошланишидан дарак бериб, чорлов мусиқаси янграйди.

Табрик учун сўз Президент Ислом Каримовга берилади.

Юртбошимиз мамлакатимиз халқини қутлуғ айём - уйғониш, янгиланиш, яшариш байрами, қут-барака элчиси - Наврўз билан самимий қутлайди.

Саҳна узра гўё бутун мамлакат аҳлини тантанага чорлаётгандек карнай-сурнай садолари янграйди. Мусиқий оҳангларга табиатнинг уйғониши, борлиқнинг яшариши, баҳор ғамзалари, қушлар чуғур-чуғури, жилғалар сувининг шилдираши уйғунлашиб кетади. Кўкка учирилган ранг-баранг шарлар ажиб камалак ҳосил қилади. Ҳаял ўтмай рангин камалак алвон булутга айланиб кетади. Майдон атрофи турфа гулларга бурканган. Капалаклар қанотларини ҳилпиратиб турибди.

Майдонга Она ва Бола кириб келади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, биз учинчи минг йилликка эзгуликка йўғрилган катта умидлар билан қадам қўйдик. Зеро, эзгу ишлар эзгу ниятлар билан амалга ошади. Шу боис Президентимиз 2001 йилни мамлакатимизда Оналар ва болалар йили, деб эълон қилди. Бу хайрли тадбир заминида шубҳасиз эзгуликдан иборат ўзбекона донишмандлик мужассам. Доноларни ҳам, ботирларни ҳам она тарбиялайди. Муқаддас ҳадиси шарифда ҳам «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», деб бежиз айтилмаган. Негаки, оналар ҳамиша болам деб яшайди. Болаларда эса миллат яшайди, келажак яшайди. Шу боисдан ҳам юртимизда оналар ва болаларга доимо алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Барча саъй-ҳаракатларимиз оналар ва болаларнинг соғлом бўлишига, айниқса, ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишига қаратилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзадлари соғлом бўлур.

Она билан бола суҳбати Наврўз сайлини бошлаб беради. От минган жарчиларнинг «Эҳе-ҳе-ҳей! Ноғора-ю қўш карнайлар чалинсин, Тошкент дарвозалари очилсин!» деган ўктам овози янграйди. Қадим ва навқирон шаҳарнинг рамзий ўн икки дарвозаси очилиб, саҳнага бадиий жамоалар кириб келади. Дорбозлар, қўғирчоқбозлар, чавандозлар, масхарабозлар, полвонлар, цирк усталари, акробатлар, ҳунарманду усталар, чеварлар, қўйингки, барча қадимий ва замонавий касб эгалари ўз ижодий маҳоратини намойиш этади. Зеро, Наврўз айёми тантаналари миллий анъаналар, спорт ўйинлари, халқимизнинг барча ютуқларини ўзида мужассам этганлиги билан ҳам қадрлидир.

Бугунги кунда ота-боболаримиздан мерос қолган анъана ва удумларнинг аксарияти Наврўз каби узоқ тарихга эгадир. Боиси -улар кишини мудом эзгулик, бунёдкорлик, яратувчанликка чорлайди. Давлатчилигимиз неча минг йиллик тарихининг илк саҳифалари битилган маданий меросимиз бўлмиш «Авесто»да ҳам Наврўз билан боғлиқ кўплаб яратувчилик удумлари тасвирланган. Масалан, биргина кун ва туннинг тенглашиши муносабати билан унинг саҳифаларидан «Кимда-ким буғдой экса, у ҳақиқатни экқай! Қай бир хонадонда буғдой унса, у хонадондан ёвузлик узоқлашгай. Кимда-ким заминни ўнг ва чап қўли билан шудгор қилгай, унга фаровонлик бахш этгай» каби ҳикматли сўзлар жой олган. Шу боис байрам дастурининг «Деҳқонлар рақси» томошасида «Авесто»га алоҳида ўрин берилиб, ундаги янги кун билан боғлиқ ажойиб удумлар тараннум этилади. Эътиборли томони, бу йил мамлакатимизда ана шу қомусий асарнинг 2700 йиллиги кенг нишонланади.

Вилоятлар вакилларининг чиқишларида ҳам оналар ва болаларга, тарихий анъаналарга, халқона урф-одатларга, миллий қадриятларга катта ўрин берилади. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба қўшиқлар, халқ термалари, аския, лаган ўйини, спорт мусобақалари билан уйғунлашган улкан театр томошаларида миллий қадриятларимиз, азалий анъана ва урф-одатларимиз янада жозибалироқ, янада теранроқ мазмун ва моҳият касб этади.

Қадимий санъатимиз оҳангларига уйғунлашган замонавий миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари байрам тантаналарига янада кўтаринкилик бахш этади.

Наврўз байрамида халқ ҳунармандлари кўргазмасини ташкил этиш яхши анъаналардан бирига айланиб қолган. Бу гал ҳам шу анъанага мувофиқ, миллий боғнинг каттагина қисми ҳунармандчилик маҳсулотлари билан зийнатланди. Расталарни кўздан кечирар экансиз, ҳунармандлар қўли билан яратилган мўъжизаларни кўриб ҳайратга тушасиз ва ана шундай бунёдкор халқнинг фарзанди эканлигингиздан яна бир карра фахр ҳиссини туясиз.

Байрам томошасидан кейин Президент Ислом Каримов мазкур кўргазмани кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбарига бир гуруҳ жажжи қизалоқлар пешвоз чиқди. Албатта, бизда ҳар қандай байрам аввало болаларники. Ҳар қандай байрамда аввало болаларга совға-салому ширинликлар улашилади. Президентимиз ҳам бу анъанани истисно қилмади - қизалоқларга муҳаймоқ улашди. Шунингдек, ўзбекда байрамнинг яна бир жиҳати бор - қарияларни зиёрат қилиб, дуосини олиш. Ислом Каримов шу ерга йиғилган бир гуруҳ оқсоқоллар билан суҳбатлашди, уларнинг дуосини олди.

- Бугунги нутқимда сиёсий, ижтимоий масалаларга атайлаб урғу берилмади, - деди Ислом Каримов. - Ҳаёт ташвишлари ўз йўлига, байрам ўз йўлига. Бугунгидек қувончли дамларда, Йил бошида ён-атрофга қараб, кўкламнинг гўзаллигидан, ҳаётнинг лаззатидан, одамларимизнинг аҳилу иноқликларидан баҳра олмоғимиз керак.

Президент Наврўз ҳақида гапирар экан, бундан ўн йил бурунги воқеаларни мамнуният билан эслади.

- 1990 йили Наврўзни илк бор расман нишонладик. Ҳали юртимиз мустақил эмасди. Лекин Наврўз мамлакатимизда дам олиш куни деб эълон қилинди. Бу истиқлол орзусининг, шоирона айтганда, илк шабадалари эди. Бугун мазкур саҳнада намойиш этилган ажойиб томошаларни, одамларимизнинг қувончли чеҳраларини кўриб, фахрланиб кетасан киши.

... Пойтахтимизда бўлиб ўтган Наврўз томошалари сунъий йўлдош орқали дунёнинг кўплаб мамлакатлари телеканалларида бевосита намойиш этилди.

Байрам шодиёналари мамлакатимизнинг барча шаҳар-қишлоқлари, маҳаллаларида давом этмоқда.

Ўктам ДЎСТЁР,
Анвар БОБОЕВ (ЎзА).

Газетамиз чоп этила бошлаганига 10 йил тўлди

Баҳор, меҳр-муҳаббат, хайру-саховат рамзи — Наврўзи олам қутлуғ қадами ила муборак юртимизга кириб келди. У қалбимизни жунбушга келтириб, покиза орзу-хаваслар уйғотмоқда. Зеро, бу ёруғ жаҳонда одамзот эзгулик, эркинликка интилиб яшайди, барча ерда яхшилик ва адолат ҳукмрон бўлишини истайди.

Бу галги Наврўз байрами газетамиз жамоаси учун икки карра қадрли ва ардоқлидир. Сабаби, 21-март куни «Ишонч» газетаси чоп этила бошлаганига 10 йил тўлди. Тарихан бу қисқа даврни изланиш , шаклланиш, ўз мазмун-мундарижасига, ўқувчисига эга бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар палласи дея таърифлаш мумкин.

Газета журналистлари муассис — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг шиори: «Инсонга наф келтириш олий бахт» деган сўзлар амалда тантана қилиши учун ўзларини камарбаста деб биладилар. Меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ



устувор ҳимоячиси бўлишга интиладилар. Не шарафки, сўнгги икки йил мобайнида «Ишонч» 10 мингтага кўпайиб, эндиликда 20 мингдан ортиқ нусхада чоп этилмоқда. Ишловчи ходимлар ижтимоий ҳимояси, хотин-қизларга қулай шарт-шароитлар яратиш, иш ҳақининг ўз вақтида берилиши, янги иш ўринлари ташкил этиш, жойларда имтиёзлардан унумли фойдаланиш, зарарли шароитда фаолият юритаётганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муаммоли, мулоҳазали ва айни пайтда танқидий-таҳлилий мақолалар изчил бериб борилаётир. Байрам баҳонасида савобли ишлардан яна бири ҳақида алоҳида тўхталмоқчимиз. Бу меҳнаткашлар қонуний ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, адолатни юзага чиқаришдаги фаолиятдир. Хўш, бу ҳақда муштарийларнинг ўзи қандай фикрда?

Газетамизнинг 4-саҳифасида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.



Муҳаммад АМИН,
Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК БОЛИДАН КЕЛАВЕРИНГ ТОТГАЛИ

70 ёшли Ҳамро момо ва унинг 103 ёшга кирган онаси Улуғ момо пиширган тансиқ таом атрофида гурунг



Бу оила ҳақида менга вилоят касаба уюшмалари нашри — «Меҳнат ва турмуш» газетаси бош муҳаррири Умидилла Раҳмонов ҳикоя қилиб берган эди. Ҳамкасбимиз билан Косон туманидаги Ўрта Оброн қишлоғида яшовчи Ҳамро момо хонадонини излаб бориб дошқозонда баҳорнинг тансиқ таоми сумалак пиширилаётганлигининг устидан чиқдик.

Ёши 70га етган бўлса ҳам Ҳамро момо қариликка тан бермаган, қувваи ҳофизаси тиниқ, гапга чечан аёл экан. Гиламлар тўшалиб, атлас кўрпачалар ёзилган, тахта сўрида кампирлар гурунги қўр олган эди.

Давранинг тўрида ўтирган нуроний онахон эътиборимизни тортди.

— Онамиз Улуғ момо Раҳмон қизи бўладилар, - дейди Ҳамро момо. - 103 ёшга қадам қўйдилар.

Уч асрнинг юзини кўрган, не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлган табаррук момо билан суҳбатлашдик.

- Кўп замонларни кўрдим, болам, - дейди она оҳиста. - Лекин элимиз мустақилликка эришиб, шундай дориломон дамларнинг гувоҳи бўлганимдан бахтиёрман. Президентимиз Ислом Каримовни доимо дуо қиламан.

Даврада ўтирган Норсулув момо Қурбонова, Маҳар момо Эгамбердиева, Рухсат момо Хушвақтовалар ҳам онахонга эргашиб, дуога қўл очдилар. Президентимизнинг «Улуғ моларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда» деган сўзлари ёдимга тушди, беихтиёр.

Ҳамро момо умр йўлдоши раҳматлик Темир Ҳамроев билан 10 нафар ўғил, 3 та қизни тарбиялаб, вояга етказишди. Фарзандларининг ҳаммаси билимли, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Момонинг 48 набираси, 16 чевараси бор.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Сабоҳат Мирова Ҳамро момо Ғаниевага «Соғлом авлод учун» ўтказилган кўрик-танлов мукофотини топширганда, қишлоқдошлари уни самимий қутладилар. Фарзандлари Қаҳрамон, Шавкат, Шавқи, Қумрибой, Шовдур, Шойим, Юсуф, Ҳамза, Ҳасанжон, Насим, Қаюм, Зуҳраой, Марусахонлар онахонни қучиб бағриларига босдилар. Набираси, 1-синф ўқувчиси Сабоҳатой тўлқинланиб шеър ўқиди.

Ҳамро бувининг қалбини ёшлик илҳоми тарк этгани йўқ. У халқ йўлида термалар ёзади. Ижод намуналари Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида 1999 йили чоп этилган «Мунаввар ёғдулар» тўпламига киритилган. «Ҳурлигимга кўз тегмасин, илоҳим» шеърида шундай ёзади, у:

Юртим, жаннатсан гўё,
Ҳар дилга тарқар зиё,
Таниди бизни дунё,
Мустақиллик туфайли.

Ой боради ботгали,
Тонг келади отгали,
Мустақиллик болидан,
Келаверинг тотгали.

— Ҳамро момолар оиласи қишлоғимиздаги энг ибратли хонадонлардан, - дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шодмон ака Умиров. - Ўғил-қизларни, невара-чевараларни, келинларни тотувликка даъват этадиган, қишлоқ тўй-маъракаларига бош-қош бўладиган бу тиниб-тинчимас онахондан миннатдормиз.

Иззат ҲИКМАТ,
«Ишонч» мухбири.

БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИГА спорт анжомлари

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларга мувофиқ кўплаб ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Республика болалар полиэмилит шифохонаси даволанувчиларига спорт анжомлари — швед нарвончалари, теннис столи, велотренажёр, гимнастика тўшаклари ҳарид қилиш учун 200 минг сўмликка яқин маблағ ажратилди.

— Тармоқнинг вилоят қўмиталари ҳам эзгулик байрамини муносиб кутиб олишга жуда эрта тараддуд кўрдилар, — дейди Марказий қўмита раиси Шамси Эсонбоев. — Хусусан, Навоий вилояти тармоқ қўмитаси туман ва хўжаликларда меҳнат қилаётган заҳматкаш инсонларни бир пиёла чойга таклиф этиб, совға-саломлар топширди.

Андижон вилоят тармоқ қўмитаси эса кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб беришга баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар. Жумладан, Шаҳрихон туманидан хўжалик ишчиларининг 13 нафар, Булоқбоши туманидан 4 нафар фарзандларига шундай мурувват кўрсатилди.

Қишлоқ хўжалиги тизимига кирувчи ўқув юртлари ўртасида ташкил этилган «Нафосат маликалари» кўрик-танловининг биринчи босқичи ҳам янгиланиш ва ёшариш фасли Наврўзга бағишланди.

Бухоро вилоят тармоқ қўмитаси томонидан 700 нафар болажонларга омонат дафтарчалари очилиб, 2 минг сўмдан маблағ қўйилди. Шу мақсадда тармоқ ходимлари фарзандларига жами 1 миллион 400 минг сўм ўтказилди.

Бу каби тадбирлар республикамизнинг бошқа туман ва шаҳарларида, чекка қишлоқларида ҳам давом этмоқда. Ватанимиз бўйлаб эсаётган кўклам шаббодаси инсонларимиз қалбига меҳр-муҳаббат, мурувват ва саховат уруғларини олиб кираётганидан далолатдир.

М.ДАВРОНОВА.

БЎСТОНДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Наврўз байрами арафасида Элликқалъа туманидаги Бўстон шаҳрида янги академик лицей фойдаланишга топширилди.

600 ўқувчига мўлжалланган ушбу билим маскани «Бўстонсувқурилиши» ҳиссадорлик жамияти бинокорлари томонидан бунёд этилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистонда 3 та академик лицей ва 20 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатаётир. Мустақиллик байрамигача Мўйноқ ва Чимбой шаҳарларидаги академик лицейлар ҳам фойдаланишга топширилади.

(ЎзА).

ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ...

Ота-боболаримиз қадим замонлардан Наврўзни покиза руҳ, ўзгача шукуҳ, яхши ниятлар билан қаршилаганлар. Унга алоҳида тайёргарликлар кўрилган. Наврўзда урушлар тўхтатилган, ўзаро низолар унутилган, одамлар тинч ва яхши қўшничилик, дўст-биродарлик муносабатларига интилганлар. Бу муборак айёмда ҳатто марҳумлар ҳам унутилмаган. Улар руҳига чироқ ёқилиб, гулдонга янги очилган гуллар солиб қўйилган.

Улуғ шоир Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида Наврўзнинг тарихи, бошланиши ва байрам қилиш тартиби ҳақида шундай ёзилган: «Ким Наврўзни шоду хуррамлик билан байрам қилса, бутун йил бўйи унинг ҳаёти хуррамликда ўтади».

Хўш, юртдошларимиз Наврўзни қандай қаршиламоқдалар? Мухбиримиз байрам арафасида хурлик шукронасини қилиб яшаётган турли касб эгалари билан суҳбатлашди.

ЖАННАТНИНГ БИР БЎЛАГИ

Наврўз янги йилнинг бошланиши бўлса, Навбаҳор — янги кўкламнинг ташрифини англатади. Шу боис, биз навбаҳорликлар Наврўзда қўшалоқ байрамни нишонлаймиз. Дастлаб Берансой, Жизлон, Зам, Сармиш тоғ этаклари яшил либосга бурканади. Қир-адирлар турфа чечаклардан, лолақизғалдоқлару чучмомаларнинг муаттар атрига тўлиб кетади. Қушларнинг шўх-шўх сайрашлари, сўпитурғайлар нағмаси, қалдирғочлар ташрифи дилга завқ бағишлайди. Яна эрта тонгданоқ қуёшнинг заррин нурлари ям-яшил қирлар, боғ-роғлар, ҳайбатли тоғлар узра кумушдек товланади. Шундай дамларда Ватанимиз Ўзбекистон — ҳақиқатдан ҳам жаннатнинг бир бўлаги деган иқрор дилимдан тилимга кўчади. Кейинги уч-тўрт йил ичида туманимизда ҳам мақтаса арзигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Марказий қўрғонимиз қайта бунёд этилди, десам хато бўлмас. Замонавий турар-жой бинолари, равон йўллар, шифохона-ю мактаблар, болалар боғчалари, - эҳ-ҳе, санаб адоғига етмайсан киши.

Олдинлари даволаниш учун Навоий ёки Тошкент шаҳрига борган тумандошларимиз бугун Шарқу Ғарб меъморчилиги услубида қурилган кўп қаватли шифохонага эга бўлдилар. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохонамизда бир неча бўлим, бир йўла 50 нафар беморга хизмат қиладиган поли-



клиника ҳам мавжуд. Унга яқин жойда эса марказий дорихона фаолият кўрсатиб, бу ерда буюк табиб Ибн Сино табобати асосида доривор ўсимликлардан малҳам тайёрлаш йўлга қўйилган.

Булардан ташқари, марказий ўйингоҳ, маданият ва истироҳат боғи, «Навбаҳор» савдо уйи, маданият уйи, марказий кутубхона ҳам меҳнаткашларнинг севимли масканига айланган.

Бугун Навбаҳорда катта шодиёна. Дошқозонлар тўлиб сумалак, ҳалим, ошлар пишмоқда. Элдошларимиз бирлашиб биргалашиб, Наврўзга пешвоз чиқмоқда. Бу байрамдан ҳеч ким четда қолмайди, ҳеч ким унутилмайди.

Зулфия НАБИЕВА,
ўқитувчи.

СИР ТУТИЛГАН СОВҒА

Кечагина Ҳисор, Ботобоғ, Қўҳитанг, Сурхон ва Бойсун тоғ туманларидан сизиб чиққан оби ҳаёт бугун катта оқимга айланиб, дарёларимизни тўлдириб, юртимизга қут-барака, далаларимизга файз киритмоқда. Гўзал Сурхон боғларида бодомлар ҳосилга кириб, ўрик гуллари довучча тугди. Қир-адирларимиз чучмома-ю ялпиз, турли ўт-ўланларга тўлиб кетди. Ангор боғлари яшилликка бурканди.

Воҳа аҳли Наврўзга ўзгача ихлос, эҳтиром билан қарайди. Байрам билан қутлаш учун совғалар тайёрланади. Бунинг учун деярли ҳеч ким дўконга чиқиб, совға изламайди. Чунки, совғани ҳар ким ўзи ҳозирлаши керак. Масалан, чавандоз боболар невараларига нақшинкор қамчи, полвон боболар эса ўз қўллари билан пишиқ-пухта қилиб тўқиган белбоғ совға қилишади. Момолар ўғил невараларга туморлар, дўппилар беришади. Ўн иккига кирган қизалоқларига эса ўзлари зийнатлаган жамалаклар, дўппи ва тақинчоқлар ҳадя этиладди. Бу минг йиллардан бери яшаб келаётган удум. Унинг замирида авлодларга, юрт тарихига ҳурмат-эътибор, самимият бор. Негаки, тайёрланажак совғалар барчадан сир тутилади. Яъни, бобо неварасига беражак совға қиз яқинларига атаб тикаётган кашталарини яширинча тайёрлашади. Уни Наврўз кунигача ҳеч ким билмаслиги, кўрмаслиги керак. Ҳа, дўстлар, удумларда меҳр-муҳаббат, сиру синоат яшайди. Сирли нарса эса гўзал, дил тортар бўлади, худди Наврўздек.

Холисхон КЕНЖАЕВА,
уй бекаси.

ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИДА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ

Умумхалқ байрами — Наврўз Оролбўйи ҳудуди шаҳар ҳамда овулларида кўтаринки кайфият, шодхуррамлик билан қарши олинди. Уст юрт саҳросида улкан иншоот бунёд этаётган Қўнғирот сода заводи бинокорлари-ю тиниб-тинчимас геологлар, Тахтакўпир чорвадорлари-ю Чимбой шоликорлари, Тўрткўл-у Беруний, Амударё-ю Хўжайли пахтакорлари, оқманғитлик сабзавоткорлар, хуллас, барчабарчанинг қалбида олам-олам қувонч, ҳамма меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида фасллар келинчаги — баҳор бошланиши тантанали нишонланмоқда.

Бу галги Наврўз айёмини Бўстон шаҳридаги «Элликқалъа олтин толаси» ҳиссадорлик жамияти ҳар қачонгидан ҳам ўзгача руҳ билан кутиб оляпти. Байрам шарафига жорий йилнинг биринчи чораги шартномавий топшириқларини адо этган жамоа аъзолари тўкин дастурхон атрофига тўпланди. Энг тўрда — меҳмонлар учун ажратилган сўрида йигирма нафарга яқин фахрийлар салобат тўкиб ўтиришибди. Байрам тантаналарини корхона раҳбари вазифасини бажарувчи Бахтиёр Абдуллаев очиб, «Қуёш ой» болалар боғчаси тарбияланувчиларига табрик учун навбат берди. Ишлаб чиқариш фахрийлари Чинни момо Эгамбердиева, Бекжон ака Ҳожиевлар йиғилганларни Наврўз билан муборакбод этиб, барчага соғлик-саломатлик, ишларида ютуқлар, тинчлик-осойишталик тилади. Шундан кейин илғорларга касабақўмнинг эсдалик совғалари топширилди.

Репортаж

— Шундай тўкин дастурхон атрофида улуғ кунда тўпланиб, бир пиёла чой баҳона ишларимиз хусусида ғурур билан дилдан суҳбатлашсак ярашади, — деди касабақўм раиси Комилжон Ҳожиев. — Чунки, топшириқларни барча соҳалар бўйича бажардик. 7.5 минг тонна Элликқалъа пахта толаси Англия, Италия, Жанубий Корея, Франция ва Швейцария мамлакатларига экспорт қилинди. 15 миллион сўм соф фойда олинди. Номинал баҳоси минг сўмлик ҳар бир акцияга 1670 сўмдан дивидент тўланди. Шунингдек, 147 нафар ишловчига 222,5 минг сўмлик сут ва сут маҳсулотлари, кечки ва тунги сменада ишловчиларга 2 марта бепул иссиқ овқат берилди. Бу мақсадлар учун 5 миллион сўм сарфланди. Ишчи, мухандис-техниклар 3.712 минг сўмлик мавсумий махсус кийим-кечаклар билан таъминланди. Кўмакка муҳтож 153 кишига корхона маблағи ҳисобидан 546,1 минг ва касабақўм ҳисобидан 317,6 минг сўм ёрдам пули ажратилди. «Оналар ва болалар» йилида фарзандлари мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланаётган корхонамиз ишчи-хизматчилари учун бадаллар бепул қилиб қўйилди. Ҳар йили корхонамиз ҳисобидаги «Аққақўл» санаторий-профилакторийсида 190-200 киши бепул даволанади. Мазкур сиҳатгоҳда шу йилдан эътиборан «Она ва бола» гуруҳи ташкил этдик...

Навбат «Элликқалъа олтин толаси» ҳиссадорларидан ташкил топган ҳаваскорлар дастасига берилди. Шундай қилиб Наврўз тантаналари оқшомгача давом этди. Дарҳақиқат, ишни қойил қилиб, топширилган вазифаларни дўндириб қўйган, ҳар бир аъзоси фаровон турмуш кечираётган жамоага байрамни бугунгидек баланд руҳ билан нишонлаш жуда ярашади.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.



И. ҲАСАНОВ олган сурат

Халқимизда йўл қуриб, одамлар узоғини яқин қилган муҳташам бинолар барпо этиб авлодларга қолдирган кишининг номи инсонлар орасида мангу яшайди деган ҳикматли гап бор. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда бирбиридан салобатли ва гўзал иморатлар, замонавий талабларга жавоб берувчи гузару халқа йўллари бунёд этилиб, инсонлар манфаати учун хизмат қилмоқда.

Яқинда Сирдарё вилоятида ҳам ана шундай иншоотлардан бири банк биноси фойдаланишга топширилди. Жаҳон андозалари асосида лойиҳалаштирилган бу иншоот республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, халқнинг оғирини енгил қилиш йўлида фаолият кўрсатмоқда.

«Жиззахсавдо» компанияси шаҳардаги уруш ва меҳнат ногиронларига, фахрийлар, ёлғиз қарияларга байрамолди савдосини ташкил этди ва шу жараёнда уларга бепул иссиқ овқат берилаяпти. Эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатилаётир.

ЭҲТИЁЖМАНДЛАР КЎНГЛИ ОВЛАНДИ

21 март куни шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда оталиқдаги интернат-мактаб, қариялар ва ногиронлар уйларига бориб байрам совғалари улашилди. Шаҳардаги форум мажмуида, истиқлол ва болалар боғида, Хотира ва Қадрлаш ҳиёбонида қандолат маҳсулотлари, озиқ-овқатлар, кенг ассортиментдаги ширинликлар, яхна ичимликлар, миллий таомлар савдоси ташкил этилди.

«Тожир», «Иброҳим бобо», «Ҳалима», «Лаззат», «Нур», «Бахтиниса», каби савдо ташкилотлари 6 минг нафар кишига сумалак тарқатди.

Алибой ЭРГАШЕВ.

ЭЛ ШОДОН

Наврўз тантанаси чўҳ, халқ билан тўлмиш майдон,
Юзларда акс этмишдир қалблардаги ҳаяжон.

Турли таом, сумалак дастурхонга зеб берган,
Лайлак карнайин чалар, тиниқ беғубор осмон.

Ўйин-кулги авжида, кураш, пойга бир ёнда,
Аразлилар ярашиб, бир-бирига меҳрибон.

Қушлар шўх сайрар, Тўра, дилларга ором бериб,
Наврўз ҳар йили байрам бўлганидан эл шодон.

Тўра ЖУМАН.

БУТУН ЙИЛГА

Наврўз — Шарқда кенг тарқалган Қуёш тақвими бўйича йилнинг биринчи куни. Маълумки, Шарқ мамлакатларида иккита тақвим амалда бўлган. Биринчиси — Ой тақвими. У ернинг ой атрофидан айланишига асосланган бўлиб, қамарий йил ҳисоби дейилади. Иккинчиси — Қуёш тақвими. У ернинг қуёш атрофидан айланишига асосланган бўлиб, шамсий йил ҳисобланади. Бунда қуёш бир йил давомида ўн иккита буржни айланиб чиқади. Ҳар бир буржда бир ой бўлади. Қуёшнинг охирги бурж — Ҳутдан биринчи бурж — Ҳамалга ўтиши қишнинг тугаб, уйғониш фасли баҳорнинг кириб келиши, бир йилнинг ниҳоясига етиб, янги қуёш йилининг бошланиши ҳисобланади. Бунда кеча ва кундуз аввал тенглашиб, кейин кунниг ҳиссаси узайиб боради, кунлар илиб, табиатда уйғониш, жонланиш бошланади. Бу ҳақда машҳур адиб Носириддин РАБҒУЗИЙ шундай ёзади:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам Наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир қиш, қолмади қори, музи.

Кун келу минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.

Наврўзнинг келиб чиқиши ва байрам қилиниши ҳақида хилма-хил талқинлар, ранг-баранг ривоятлар мавжуд:

Наврўз — Оллоҳ таолонинг бу дунёни ва ундаги нарсаларни яратишга киришган куни.

Наврўз — Одам Ато билан Момо Ҳавонинг топишган куни.

Наврўз — Нуҳ алайҳиссаломнинг буюк сув тўфонидан кейин заминга илк қадам қўйган куни.

Наврўз — одамзот томонидан олов кашф этилган кун.

Наврўз — Ахурамаздонинг ёвузлик худоси Аҳраман устидан ғолиб бўлган куни.

Наврўз — эрамиздан аввал яшаб ўтган афсонавий подшоҳ Жамшиднинг тахтга чиққан куни.

Наврўз — Қуёш тақвими бўйича йилнинг ва баҳорнинг биринчи куни.

Наврўз — уйғониш, тозариш, ёшариш байрами.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ёзилишича, Ал-Маъмун Али ибн Мусо ар-Ризодан Наврўз ҳақида сўраганларида, у: «Наврўз фаришталар улуғланадиган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар. Уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар. Чунки қуёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаганлар. Бинобарин, у замоннинг биринчи кунидир», — деган экан.

Гап бу ерда мазкур қарашларнинг қайсиси ҳақиқатга яқину, қайсиси узоқлигида эмас. Бу қарашлар асрлар давомида халқ орасида яшаб келган, олиму адибларни илҳомлантириб, уларнинг қўлига қалам тутқазган. Гап шундаки, дунёда ни-

Фазилат

ЙЎЛ ҚУРИБ

ҳаж савобини олди

Ҳасан ота Ғайбуллаевни уста пахтакор сифатида нафақат Дўстлик тумани, балки бутун Жиззах вилоятидаги ёшу қари яхши билади. Саксон ёшни қаршилаган бу нуроний инсон умрининг салкам эллик йилини пахтачиликка бағишлаган.


Тумандаги Хўжам Исроилов номли ширкат бирлашмасида яшаётган отахоннинг уч ўғли, тўрт қизи бор. Ҳаммалари уйли-жойли бўлиб, ўзларидан тинчишган. 40 дан зиёд невара, чевара қуршовида отахон бахтли ҳаёт кечирмоқда.

У тўрт йилдан бери ҳаж сафарига боришни ният қилиб, пул йиғаётган эди. Рўзаи рамазон кунларининг охирида бу ниятини ҳамқишлоқлари, қариндош-уруғлари, ҳожиларга маълум қилди: «Пешона терим билан бир-икки сўм топиб, ҳажга боришни ният қилувдим. Аммо йўл қуриб, созласам, савоби тегар, деган мақсадим ҳам йўқ эмас». Шунда ҳамқишлоқлари отахоннинг бу мақсадини қўллаб-қувватлаб, тезда бу ишни амалга оширишга даъват этишди.

Орадан кўп ўтмай, бирлашма қўрғони ҳудудида 5 километр масофада йўл қурилиши бошланиб кетди. Қисқа муддат ичида бу иш ниҳоясига етказилди. Отахон бу ишларни бажариш учун қарийб 1 миллион сўмлик маблағ сарфлади. Бундан унинг ҳамқишлоқлари беҳад мамнун бўлишди. Ҳаж кунлари тенгқурлари ва ҳожилар дуоси билан Ҳасан ота Ғайбуллаев ҳажга борганлар каби ҳожи унвонини олди.

Муҳтарам Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган пурмаъно даъватига лаббай деб жавоб берган Ҳасан Ғайбуллаевдек серҳиммат инсонлар кўпаяверсин.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.
Суратда: саховатпеша отахон Ҳ. Ғайбуллаев.
Муаллиф олган сурат.



ЎЗБЕГИМНИНГ ЎЗИ БУ!

Оппоқ яктакли деҳқон — ўзбегимнинг ўзи бу,
Юрт бошида Юртбоши — элнинг ақли, кўзи бу,
Навбаҳорий тенгкунлик — оламнинг афрўзи бу,
Тўлқин урган майсалар — эртанинг ризқ-рўзи бу,
Уч мингинчи йилликнинг биринчи Наврўзи бу,
«Ҳар кунинг ўлсин Наврўз», — Навоий дил сўзи бу.

Чўққилардан тушолмай қорлар юм-юм йиғлагай,
Боғлар аро қувлашиб еллар тиним билмагай,
Андалиблар куйлашар, гул-ғунчалар тинглагай,
Аҳли ушшоқ ўзини ёр васлига чоғлагай,
Янги аср тонгининг биринчи Наврўзи бу,
«Ҳар кунинг ўлсин Наврўз», - Навоий дил сўзи бу.

Она замин, энди ҳеч туфроғинг титрамасин,
Гулдирак гулдирасин, тўплар гулдирамасин,
Бир-бирига қўл чўзган яхшилар ҳоримасин,
Тинч ҳаёт нурин инсон қалб тубига беласин,
Янги аср тонгининг биринчи Наврўзи бу,
«Ҳар кунинг ўлсин Наврўз», - Навоий дил сўзи бу.

Ҳар бир одам суянчи дўст ила фарзанд бўлсин,
Кўнгул кўнгулга ҳамроз, дил дилга пайванд бўлсин,
Умримизнинг самари тоғдай сарбаланд бўлсин,
Болалар қуёш расмин чизмоқ ила банд бўлсин,
Янги аср тонгининг биринчи Наврўзи бу,
«Ҳар кунинг ўлсин Наврўз», - Навоий дил сўзи бу.

Мирза ҚАЙНАРОВ,
Ш.Рашидов тумани.

Юртимизда баҳор нафаси. Тармоғимиз тасарруфидаги ташкилотларда корхона ҳудудлари ҳамда маҳаллаларни ободонлаштириш ишлари қизғин бормоқда. Бугунгача ташкилотлар бўйича 20 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Бу мақсадларга 2,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

БИЗ ҲАМ БИР ЁНДАН

Хусусан, вилоят касаба уюшма қўмитаси ўз оталиғига олган Ангрен шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Наврўз айёми арафасида замонавий кир ювиш машинаси, турли совға-саломлар, «9-шахта» кўмир кони касаба уюшма қўмитаси эса 325 минг сўмлик ёзги кийим-кечаклар, дарслик ва бадиий адабиётлар, ўқув қуроллари туҳфа этди.

Ташкилотларимиз томонидан кўрсатилаётган меҳр-мурувватдан фахрийлар ҳам четда қолмаяптилар. Чирчиқдаги «Металл тузилмалар» заводи байрам арафасида 10 нафар меҳнат фахрийсига 2 минг сўмдан, 15 нафар етим болаларга 1500 сўмдан ёрдам пули ажратди. «9-шахта» кўмир кони касаба уюшма қўмитаси томонидан эса кон фахрийларининг ҳар бирига 2400 сўмликдан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳадя қилинди.

Байрам арафасида Ангрен ҳамда Янги Ангрен Давлат иссиқлик электр станцияси касаба кўмлари томонидан меҳрибонлик уйи ва оталиқларидаги 2та мактабга 100 минг сўмликдан зиёд совға-саломлар топширилди. Чирчиқ «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси 400 нафардан зиёд маҳалла оқсоқоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони тузаб, дошқозонларда ош дамлади.

Мавжуда ХАЛИЛОВА,
Тошкент вилояти Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

САОДАТ, БАХТИГУЛ, БАҲОРОЙ...

Ойшахон ҚЎЧҚОРОВА,
Наманган вилоят туғруқхонаси бўлим мудири:

— Бахт нима? Болалигимдан шу ҳақда жуда кўп ўйлайман ва ниҳоят узил-кесил шундай хулосага келдим. Инсон учун энг катта саодат бу — Озодлик экан. Одам боласи ўзини эркин ва ҳур ҳис этсагина ундаги қобилият, ғайрат юзага чиқади. Негаки, у ўзи, оиласи, Ватани, жонажон халқи учун меҳнат қилади. Бу меҳнат эса бахтдир. Жонажон Ўзбекистонимиз истиқлоли берган ва бераётган самарани олайлик. Тарих учун киприк қоққудек ҳисобланган шу қисқа давр ичида асрга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Биргина Онага, Аёлга муносабатни оладиган бўлсак, давлатимизнинг илк қонуни муборак зотга эътибордан, ҳурматдан бошланди. Бу ватанпарварликнинг қутлуғ қадамлари эса юртимизга қут-барака ёғдириб, унинг номини дунёга таратди.

Оналик ва болаликка, соғлом авлодга кўрсатилаётган бу ғамхўрликлар том маънодаги инсонпарварлик сиёсатининг меваси деб биламан. Чунки, аёлни асраш ўзликни, Ватанни, халқни, миллатни асрашдир. Халқнинг соғлиғи энг аввало аёлнинг, онанинг саломатлигига боғлиқ. Халқ эса Онадан бошланади. Аёлларни буюк оналик саодатига олиб чиқадиган доялик касбимдан тоабад миннатдорман. Негаки, биз улуғ ва савобли касбда ишлаймиз. Дунёдаги энг пок ва гўзал чақалоқ «инга»сини биринчи бор биз эшитамиз. Гўдакнинг мусаффо беғубор нафасини илк бора биз туямиз. Тўғриғи, жажжи инсонни биринчи бўлиб бу ёруғ дунёда биз қаршилаймиз. Халқнинг бизга эъзозу эҳтироми аслида ана шундан.

Бизнинг касбни осон деганлар янглишади, икки дунё ўртасида турган аёл эсон-омон қўл-оёғини йиғиштириб олгунча доялар у дунё билан бу дунё ўртасида жон ҳовучлаб туришади, билимлари-ю тажрибаларини ишга солиб аёл дардига дармон бўлишади. Аммо барча қийинчилигу ташвишлар гўдакнинг «инга»сию аёлнинг табассуми билан бир зумда ювилиб кетади. Ана шундай ташвишу қувончлар орасида кечаётган қисматимга шукрона айтиб яшаяпман. Камтарона меҳнатим юқори баҳоланиб, ҳукуматимизнинг олий нишони Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлган экан, бу аввало, шифокорлар меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан. Тўғриси, қанчалик юракдан, елиб-югуриб ишламай бир кун келиб Юрт қаҳрамони бўламан деб сира ўйламаган эдим. Негаки, аввалари бундай унвонлар фақат пахтакор ва чорвадорларга, ишчиларга бериларди-да. Хотин-қизлар байрами муносабати билан «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали йиғилишда биз қаҳрамон аёлларга алоҳида ҳурмат кўрсатилганидан бошим осмонга етди. Шундай замонда, шундай юртда яшаётганимдан фахрланиб кетдим.

Ахир, бизни қаҳрамон қилган Озодлик эмасми, кўксимизга Олтин Юлдуз тақиб эзгулик хизматига бошлаган Йўлбошчимиз эмасми? Шу юрт учун, унинг содиқ Президенти, меҳнаткаш халқи учун ҳар қанча ишласанг арзийди. Бунинг учун бизга барча шароитлар яратилган.


Наманган шаҳримизда ўтган ўн йил ичида олам-жаҳон ўзгаришлар юз бердики, уларни санаб адоғига етиш мушкул. Биргина тиббиёт соҳасида қанча ишлар амалга оширилди. «Гўзал» кўп тармоқли шифохона жаҳондаги энг янги асбоб-ускуналар билан таъминланган илмий-амалий даргоҳга айланди. Эндокринологик ва «Тез тиббий ёрдам» шифохоналари барпо этилди. Энг муҳими, маънавиятимиз янгиланди, дунёқарашимиз ўзгарди, ўзлигимизни танидик. Жумладан, Наврўзнинг мамлакат миқёсида байрам қилиниши ўзлигимизни англаш борасидаги муборак қадам бўлди. Қадимий байрамимиз билан юртимизга меҳр-оқибат, саховат, яхшилик, кут-барака қайтди. Бу байрамга биз ҳам алоҳида тараддуд кўрдик. Жамоамиз билан Наврўзни ўз иш ўрнимизда кутиб оламиз. Энг яхши, тажрибали шифокорларимиз шу куни навбатчи бўладилар. Қўли гул ошпазларимиз оналаримизга атаб Наврўз таомлари пиширадилар. Шу куни дунёга келган чақалоққа Наврўз, Навбаҳор, Саодат, Бахтигул, Баҳорой деб исм қўямиз. Ниятимиз: ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!

ЖОН ОЗИҒИ

ёхуд илик узилди неъматлари

Бу қадимий, анъанавий Янги йил байрамимиз ҳақида улуғ боболаримиз Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида, Маҳмуд Қошғарий эса «Девону луғотит турк» асарида жуда қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Умар Ҳайём «Наврўзнома» номли махсус китоб ёзганлар. Шоирларнинг маликул каломи — Лутфий домла «Гул ва Наврўз» номли ўлмас достонини яратган.

Шифокорларнинг таъкидлашича, киши танасида ёз ва куз ойларида ҳар хил қўкат, мева, сабзавот ва бошқалар ёрдамида ғамланган минерал моддалар ва микроэлементлар, айниқса, витаминлар (С, Р, РР, А, В1, В2, В6, В12, Д, Е) қишда кўп сарфланади, баҳорга келиб уларнинг танадаги миқдори анчагина камайиб кетади. Маълумки, витаминлар киши аъзосидаги модда алмашинуви жараёнида катта аҳамиятга эга. Уларнинг етарли миқдорда бўлмаслиги кишининг умумий куч-қувватини, иммунитетини, микробларга ва ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига курашиш ҳолатининг сусайишига олиб келади. Шу туфайли организмнинг иш фаолияти қиш даврида нормал бўлса ҳам, баҳорга келиб сезиларли даражада пасайиб кетади. Кишида қандайдир ҳорғинлик, камқувватлик аломатлари пайдо бўлади. Бундай ҳолатни ота-боболаримиз «илик узилди» даври, деб атайдилар. Аслини олганда бу аломатлар организмнинг соф витаминли моддаларга муҳтожлиги белгисидир.



Баҳор фаслида ўсимликларнинг аксарияти витаминларга бой бўлиб, айниқса ялпиз, исмалоқ, отқулоқ, қоқи, равоч, кўк пиёз, саримсоқ, укроп, петрушка, беда, довучча ва токнинг баргида С, В ва РР витаминлари кўп учрайди. Шунинг учун ҳам улардан ҳар хил таомларда (кўк патирнон, кўк сомса, кўкатли чучвара ва бошқалар) фойдаланиш ва суюқ овқатлар тайёрлаб истеъмол қилиш кони қувватдир. Масалан, кўкатлар солинган серқатиқ мастава, мошхўрда, шўрва, лағмон, угра ош шулар жумласидандир. Эрта баҳорда оғзи кўк ўтларга текан сигир, эчки ва қўйнинг сути, биянинг қимизи сервитамин бўлиб, уни ичган кишининг баҳор шароитига тез мослашиши аниқланган.

Фаровонлик рамзи сифатида қадимдан Наврўз дастурхонига буғдой, арпа, нўхот, ловия, жўхори, мош солиб пиширилган гўжа оши тортилган, сумалак ва ҳалим эса байрам дастурхонининг кўрки сифатида эъзозланган. Бундай таомлар илк баҳорда дармонсиз бўлиб қолган, қонида ҳаёт учун зарур моддалар етишмаётган кишиларга жон озиғи бўлиб, куч-қувват бағишлаган.

Сумалак — баҳор, Наврўз таоми. У сервитамин (С, Е ва бошқалар) ҳаётбахш таом бўлиб, халқ заковати яратувчанлигининг намунасидир. Илик узилди баҳор кунларида сумалак қонимизни тозартириб, жисмимизни қувватга тўлдиради. Сумалак Е витаминининг манбаи бўлиб, бундай модда эркакларни наслсизлик касалидан, аёлларни эса бола туширишдан асрайди!

Сумалак гипертония касаллигига энг яхши даво. У қон таркибини яхшилайди, ошқозон-ичак йўлини тозалайди, унинг фаолиятини кучайтиради. Кишининг иссиғи ортиб кетган бўлса, тенглайди. Сумалак еб ором олган киши изтиробдан холи бўлади.

Чунончи, сумалак пиширилган куни бошқа овқат емай, ёлғиз шу таом билан икки кун парҳез қилмоқ даркор. Баъзилар билар-билмас гўштли, ёғли овқатлар, балиқ ва бошқа пиширикларни аралаш тановул қилиб қўйишади ҳатто спиртли ичимлик ҳам ичиб олишади. Бу сира ҳам мумкин эмас. Бундай қилиш — кишини жуда оғир дардга чалинтириши мумкин. Сумалак парҳезидан бир ҳафтаўн кун олдин спиртли ичимлик ичишни тўхтатиш керак. Сумалак егандан сўнг яна шунча вақт ўша бадхўр ичимликни оғизга олмаслик даркор.



Халқ табобатида ҳалим таркибидаги инсон организми учун зарур бўлган микроэлементлар кўп бўлиб, экстрактив моддалар меъда-ичак фаолиятини яхшилаши (яллиғланиш, колит, қабзият каби касалликларда), марказий асаб тизимига ижобий таъсир қилиши, мия, юрак ҳаракатини фаоллаштиришга ёрдам бериши исботланган. Бекорга «Наврўзгача омон қолса, яна яшаб кетади», дейилмаган. Чиндан ҳам қиш машаққатларидан бир амаллаб чиқиб олган сурункали дарди бор хасталар Наврўз неъматларидан баҳраманд бўлишиб, дардларига шифо топганлар.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

Навбаҳор очилди
гуллар, сабза бўлди
боғлар,
Суҳбат айлайлик
келинглар, жўралар,
ўртоқлар.



Эмишки...

«СИ МАЛАК»МИ, «СУ МАЛАК»?

Яшариш, янгиланиш айёми Наврўз ҳақида турлича талқинлар, қарашлар мавжуд. Баъзи тарихий манбаларда Наврўз 5-6 минг йиллик ўтмишга эга дейилса, айримларида эса унинг тарихи зардуштийлик динининг пайдо бўлиши билан боғланади. Шунингдек, баъзи халқ оғзаки ижоди намуналарида Наврўз афсонавий ҳукмдор Жамшид давридан бошлаб байрам сифатида нишонлаб келинаётганлиги айтилади. Дарвоқе, Шарқ халқларида меҳр-оқибат, саховат ва эзгулик байрамининг тансиқ таоми бўлмиш сумалак ҳақида турли ривоятлар ҳам юради.

Халқ афсоналарида айтилишича, табиат энди уйқудан уйғонган бир паллада кўкдан ўттиз малак тушиб, ажиб бир таом тайёрлашган, тонгга қадар ўйин-кулгу қилишган, бобоқуёш заррин нурларини заминга соча бошлаган пайти улар осмонга кўтарилиб ғойиб бўлишган, бунинг гувоҳи бўлган одамлар ҳайратдан «Си малак», «Си малак» дея бақиришган эмиш. Маълумки, «си малак» туркийга ўгирилганда «ўттиз малак» деган маънони англатади. Шу-шу ўттиз малак тайёрлаган тансиқ таомни «Сумалак» деб атай бошлашган дейдилар.

Туркий халқлар оғзаки ижодида ҳам шунга ўхшаш ривоят бор. Унга кўра, гўё сув парилари ҳар йили гуллар фаслининг ой ёғдуси ила нурафшон тунларида қирғоққа чиқиб турли-туман таомлар тайёрлашар, дилхушлик билан тунни тонгга улашар эмиш. Ниҳоят, тонг маҳали улар ҳам одамлар кўзига кўринмаслик учун сувга тушиб ғойиб бўлишган. Сув парилари тайёрлаган таомдан тамадди қилган инсонлар унинг ғоят лаззатли эканлигидан ҳайратда қолишган, сўнг уни тайёрлашни малак-парилардан ўрганишган эмиш. Шу сабаб таом унинг ижодкорлари — сув парилари номи билан, яъни «сумалак» деб ном олганмиш.

Ушбу афсоналар негизида қанчалик ҳақиқат бор, билмадиг-у, лекин бу Наврўзнинг узоқ тарихидан дарак эканлиги ҳақ гап. Зотан, асрлар силсиласига бардош бериб, кишиларни мудом меҳр-оқибат, дўстлик, олийжанобликка ундовчи ҳар қандай қадриятнинг умрбоқийлиги ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, ушбу улуғ айём кунларида урушлар тўхтатилган, ҳар қандай низолар бартараф этилган. Муҳтожларга ёрдам кўрсатилган, кишилар ўртасидаги гина-кудуратлар унутилиб, самимийлик, меҳр-саховат тантана қилган. Не бахтки, бугун истиқлол нури ила уйғунлашиб, бутун бўй-басти билан кўриниш берган Наврўз юртимизга тинчлик-фаровонлик, кут-барака тимсоли бўлиб кириб келмоқда.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

ТАТИГУЛИК КУН

маики эзгулик бўлса, халқ уни Наврўзга нисбат берган, Наврўз эзгулик тимсоли бўлиб келган. Бугина эмас. Халқ ўзининг барча эзгу фазилатлари, урф-одатларини айнан Наврўзда намоён этган. Айни жиҳатдан Наврўз халқ ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олган:

— ерлар ҳайдалиб, экишга тайёрлаб қўйилган;

— ҳашар йўли билан ариқ-зовурлар тозаланган, ҳамма ёқда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган;

— мозорлар атрофи тартибга келтирилиб, марҳумлар шаънига дуою фотиҳа ўқилган;

— урушлар тўхтаган, аразлашганлар ярашган;

— касаллар ҳолидан хабар олинган, бева-бечораларга ёрдам кўрсатилган;

— сумалак, ҳалим, кўксомса, кўкчучвара каби баҳорий таомлар тайёрланиб, биргаликда тановул қилинган, қўни-қўшниларга тарқатилган;

— қариндош-уруғлар, дўсту танишлар йўқланган, дастурхонлар тузалиб, меҳмон кутилган;

— ювиниб-тараниб, оҳорли кийимлар кийишган;

— халқ сайллари, томошалари, спорт мусобақалари ва бошқа турли байрам тадбирлари ўтказилган;

— одамлар бир-бирларига ширинликлар улашган, гуллар тақдим этишган, эзгу ниятлар билдиришган ва ҳоказо.

Бу ишлар биргаликда, кўпчилик билан бажарилганидан Наврўз тинч-тотувлик, бирдамлик байрами тусини олган.

Бир куни Муҳаммад алайҳиссаломга сумалак олиб келишибди. Сумалак у кишига жуда ёқибди. Унинг номи, қаерда ва қачон пиширилиши билан қизиқибдилар. Бу таомнинг номи сумалак бўлиб, қўшни мамлакатларнинг энг улуғ байрами Наврўзда тайёрланишини эшитган Пайғамбаримиз шундай лутф этган эканлар:

— Ундай бўлса, ҳар бир кунларингиз Наврўз бўлсин!

Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзади:

Ҳар тунинг қадр ўлубон,
Ҳар кунинг ўлсун Наврўз!

Зеро, йилнинг энг яхши кечаси бу — қадр кечаси. Уни минг йилларга татигулик тун, дейдилар. Чунки бу кечада Қуръон нозил қилинган. Энг яхши кун эса — Наврўз. Қадр кечасига муқояса қилиб айтадиган бўлсак, бутун бир йилга татигулик кун. Шунинг учун ҳам Умар Ҳайём айтади: «Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди».

Барча ватандошларимиз Наврўзни яйраб-қувониб байрам қилишлари ва унинг шавқу илҳоми билан кейинги Наврўзга шоду хуррам етиб олишлари, ҳар бир тунлари — қадр, ҳар бир кунлари — Наврўз бўлишини тилаб қоламиз!

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

САВОБЛИ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК

Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилгани айни муддао бўлди. Унда республикамиз шаҳару қишлоқлари, барча идора ва ташкилотлари, ўқув ва даволаш муассасаларида ишчи-хизматчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда аҳолининг бошқа қатламлари иштирокида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Республика «Нуроний» хайрия жамғармаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги Минор қабристонини тартибга келтириш, ободонлаштириш ҳашари ўтказилди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ҳашарчилар қаровсиз қолган қабрлар атрофини тартибга келтирди, дарахтларга шакл берди, турли хил кўчат ва гуллар экди. Ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди.

(ЎзА).


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

«ИШОНЧ» ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

уларни ўз ишига қайта тиклади

БИР УМР МИННАТДОРМАН

Кутилмаган фожеий воқеа юз бериб, ҳаётим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Яъни, мен бошқариб келаётган автомашина техник жиҳатдан носозлиги, йўловчининг бефарқлиги оқибатида бахтсиз ҳодиса содир этилди. Жиноят Кодексининг тегишли моддасига кўра олти йилга озодликдан маҳрум этилдим. Оиламда эса ҳеч қандай касб-хунарга эга бўлмаган турмуш ўртоғим 9 нафар ёш болалари билан термулиб қолаверди. Начора, бошга тушганини кўз кўраверар экан.



Жазо муддатининг иккинчи йили, қўлимга ногаҳон «Ишонч» газетаси тушиб қолди. Уни синчиклаб ўқиб чиқдим. Айниқса, «Биздан сўрабсиз» деб номланган саҳифа менда чуқур таассурот қолдирди. Бир ҳафтадан кейин газетага бошдан кечирганларимни батафсил ёзиб юбордим. Буни қаранг-ки, ёзганларим тез орада босилиб чиқди. Кўп ўтмай ҳаётимда катта ўзгаришлар юз берди, муддатидан 4 йил олдин қамоқдан озод этилдим. Кейин билсам, «Ишонч» аралашгач, тегишли идоралар менинг оилавий шароитимни, сидқидилдан айбимга иқрор бўлганимни, бундан кейин ҳаётимни фақат эл-юрт хизматига сарфлашга аҳд этганимни эътиборга олиб авф қилган экан.


Оилам бағрига қайтгач, «Полизуруғнавлари» бошқармасининг Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманларидаги участка бошлиғи сифатида ишимга қайта тикландим. Кейинроқ эса ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш тўғрисидаги имтиёзлардан фойдаланиб, «Шуҳрат» кўп тармоқли хусусий корхона ташкил қилдим. Аҳолига нон ва нон маҳсулотлари, турли қандолатлар етказиб бераяпмиз. Қорақалпоғистонда ягона полиз, сабзавот уруғлари билан савдо қилувчи хусусий дўконимиз доимо харидорлар билан гавжум. Деҳқонларни 24 хил сара уруғлар билан таъминлаяпмиз. Уларнинг баъзиларини ҳатто, Туркманистондан келтирамиз. Хуллас, ҳалол меҳнат туфайли эл-юрт назарига тушдик, 9 фарзандим, бирбиридан ширин 14 нафар невараларим билан тинч-тотув фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Менинг бундай дориломон турмушимда «Ишонч»нинг ҳам катта ҳиссаси бор, деб ўйлайман. Шу боис ундан бир умр миннатдорман.

Худойберган НОРИМОВ,
Беруний шаҳридаги «Шуҳрат» хусусий корхонаси раҳбари. Қорақалпоғистон Республикаси.



ЯХШИЛАР КЎП ЖАҲОНДА

«Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлимида «Давлат таълими стандарт мониторинги» раҳбари бўлиб бинойидек ишлаб юрардим. Иссиқ жон иситмаси билан деганларидек, бетоб бўлиб қолдим. Даволаниш пайтимда, собиқ мудир Ф.Мирзаев ўзининг 72-сон буйруғи билан мени асоссиз ишдан бўшатди.



Эртасига эса 44-умумтаълим ўрта мактабининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича директор ўринбосарлигига ўтказишган. Бу «ўйин»лардан мен мутлақо хабарсиз эдим. Эшитдим-у, соғлигим яна ёмонлашди. Шунга қарамасдан, ҳақ-ҳуқуқимни тикланишида ёрдам сўраб турли идораларга мурожаат қилдим. Афсуски, уларнинг кўпчилиги менинг қонуний манфаатларим ҳимоясига шошилишмади. Фақат ишчи-хизматчиларнинг ҳақиқий жонкуяри — касаба уюшмаларигина поймол этилган ҳуқуқимни, оёқ ости қилинган қадр-қимматимни қаттиқ туриб ҳимоя қилишди. Шундан сўнг ҳам баъзи раҳбарларимиз пинакларини бузишмади. Адолатнинг тикланишида барча тўсиқларга қалқон бўлган «Ишонч» газетасининг 2001 йил 26 январдаги сонида «Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди» рукни остида «Раҳбар қонунни билмагач...» сарлавҳали танқидий мақола босилди. Шундан сўнг Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг бош меҳнат ҳуқуқ нозири А.Сафаровнинг хулосалари амалийлиги таъминлана бошлади. Менинг асоссиз ишдан бўшатилганлигим тўғрисидаги буйруқ бекор қилинди. Ўз вазифамга тикландим. Ойлик маошларим ундириб берилди.

Ҳақ қарор топди. Лекин уни юзага чиқаришда мендан ташқари қанчадан-қанча мутахассислар, газета мухбирлари бош қотирмади, дейсиз. Нима бўлганда ҳам адолат тикланди. Шу-шу бўлди-ю мазкур газетани қўлга олганим ҳамоно менинг дардимга малҳам бўлган кишилар кўз ўнгимдан ўтаверади.

Зиёдулла ОМОНОВ,
Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлимининг масъул ходими.

ҚАДРДОНИМ, СУЯНЧИМ



Бугунги шиддатли ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, газетанинг ўрни беқиёс.

Мен республика касаба уюшмалари Федерациясининг нашри — «Ишонч» газетасини у ташкил бўлган дастлабки кунларданоқ мутолаа қилиб келаман.

Назаримда, кейинги йилларда касаба уюшмалари ҳаётига оид долзарб мавзулардаги мақолалар кўпайди, меҳнат кишисини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга бағишланган аччиқ, аммо очиқ танқидий чиқишлар мени қувонтирмоқда.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Ноҳақликка учраб, ўттиз йилдан кўпроқ умрим ўтган қадрдон жамоамдан мажбуран кетишимга озгина қолди. Бу қонунсизлик ҳақида кўп жойларга ёзма, оғзаки мурожаат қилдим. Лекин, афсуски, муаммо ечимига йўл топилмади.

Шундан сўнг «Ишонч»га мурожаат этишга мажбур бўлдим. Негаки, адолат албатта тантана қилишига бутун вужудим билан ишонардим. Шундай бўлди ҳам. Газета аралашуви билан ҳақиқат қарор топди. Шу йилнинг 13 январ сонида «Ўз аризасига кўра...» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилиниб, қонунсизликка йўл қўйган масъул шахсларнинг қилмишлари фош этилди.

Мажбурий бекор юрган кунларимга ўртача иш ҳақи, кўрган маънавий зарарим ундириб берилди.


Менинг ўз лавозимимга қайта тикланишимда, ҳақиқатнинг қарор топишида беминнат ёрдамини аямаган газета жамоасига самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳа, айтгандай, яна бир гап. Мақолада ноқонуний ишдан бўшатилганлар мисолида номи кўрсатилган бош ҳисобчи З.Қосимов ҳам газета чиқишидан сўнг ўз вазифасига қайта тикланди. Бундан кўпчилик хурсанд, албатта. Кўриниб турибдики, газета мухбири масалани ўрганишга чуқур масъулият билан ёндошган.

Газета саҳифаларида юқоридагидек инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид мақолалар бундан кейин янада кўпайишига ишонаман.

Усмон ҲАМРОЕВ,
Жиззах тиббиёт билим юртининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.

ГАЗЕТАГА ИХЛОСИМ ОРТДИ



Гулистон туман ветеринария бўлимида ҳайдовчи бўлиб ишлардим. Бошқарувимда бўлган автомобилни уй шароитида таъмирлаётган пайтимда бир бўлак темир зарраси беҳосдан чап кўзимни жароҳатлади. Шифокорлар заррани олиб ташлашди. Бироқ, жароҳати тузалмади. Оғир асорат оқибатида нури гавҳарнинг бирини бой бердим. Кўп ўтмасдан иккинчи соғ кўзим ҳам хира тортиб қолди. Ўз ёғимга ўзим қовурилиб юрган кезларимда ишлаб турган ташкилотим маъмурияти ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёздириб ҳам олишди. Дард устига чипқон деганларидек, вақтимнинг кўп қисми даволанишга кетарди. Рўзғоримиз танглашиб, оилам қийин аҳволга тушиб қолди.

Шундан кейин, Сирдарё вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилдим. Улар адолатни тиклаш учун кўп куч-ғайрат сарфладилар. Бироқ бюрократ раҳбаримизни ҳақиқат изига бўйсундириш осон бўлмади. Меҳнат назорати нозири Илёс Боқиев орқали «Ишонч» газетаси таҳририятидан мадад сўрадик. Газетада «Ногиронни қўллаш шунчалар қийинми?» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинди. Ана шундан сўнггина воқеалар ривожи бошқача тус олди. Матбуотнинг ҳақ сўзи тош қотган юракларни юмшатди. Ветеринария бўлимидан товон пули ҳамда даволашга кетган сарф-ҳаражат тўлалигича ундириб берилди.

Шу-шу ҳар гал «Ишонч»ни варақлаганимда уч йиллик азобларимга чек қўйган, оиламни қийин моддий аҳволдан қутқарган мададкорни кўргандек унинг ходимларига чин юракдан миннатдорчилик билдириб қўяман.

Абдусамат ТЎЙИНБОЕВ,
I гуруҳ ногирони, Гулистон тумани.

21 март куни газета нашр этилганлигига 10 йил тўлди. Бу барча қатори биз газетхонларнинг ҳам байрамимиздир. Айниқса, менинг. Негаки ҳаётда қийналиб қолган пайтларимда «Ишонч» яқин маслаҳатдошим бўлган. Байрам баҳона кўнглимга тугиб қўйган дил сўзларимни изҳор қилмоқчиман.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ НУФУЗИ



...Бетоб бўлиб шифохонага тушдим. Даволаниб чиққач, раҳбаримиз эгаллаб турган вазифамдан озод қилибди. Ҳайрон бўлдим. Қарийб икки ойдан ортиқ ишсиз юрдим. Турли ташкилотларга ишга тикланишимга кўмаклашишларини сўраб мурожаат қилдим. Бироқ, уринишларим бесамар кетди. Охирги умид билан «Ишонч» таҳририятига мурожаат этиб хато қилмаганлигимга ишондим. Мурожаатномада юрагимдаги дардларим, менга нисбатан ноқонуний иш юритилаётганлиги баён қилинган эди. Жонкуяр журналистлар воқеа билан танишиб, ишдан ноҳақ бўшатилганлигим тўғрисида «Менга адолат қилинг...» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилишди. Газетанинг танқидий чиқишидан сўнг «Қаршиирмонтаж» трестига қарашли II-махсус механизациялашган кўчма жамланма раҳбарияти масалани ўрганиб, нотўғри йўл тутишганини тан олди ва мени ўз иш-жойимга тиклаб, мажбурий бекор юрган кунларим учун ҳақимни тўлашди. Шундан кейингина оиламизнинг моддий таъминоти яхшиланиб, турмушимиз ўз изига тушиб кетди. Маънавий ва моддий қийинчиликни бошдан кечириб турганимизда газета бизга қувонч бағишлади. Турмуш ўртоғим Суюн Эштемиров ва уч нафар фарзандим билан осуда ҳаёт кечирмоқдамиз.

Сўзимнинг охирида газета жамоасига бундай эзгу, хайрли ва меҳр-оқибатга йўғрилган ишлар кўламини янада кенгайтиришларида муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ҳанифа АМЕРҚУЛОВА,
ишчи. Қашқадарё вилояти.

ЎН ТЎРТ ОЙЛИК НАФАҚАМНИ ОЛДИМ

Мен бундан бир неча йил олдин ишлаб чиқариш жароҳатида бир оёғимдан ажралиб, ногирон бўлиб қолганман. Дастлабки пайтлар нафақа пулларини ўз вақтида олиб турдим. Кейинги йилларда эса қонуний ҳақимни умуман олмай қўйдим. Тушунмовчиликнинг тагига етиш мақсадида аввал ишлаган «Чирчиқкимёқурилиш»га қарашли корхонага бўзнинг мокисидек қатнайверганимдан сўнг 1999 йил учун тўлов пулини ўтган йилнинг апрел ойида аранг олдим. Ўзим пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги А.Холиқов кўчаси, 43-уйда яшайман. Чирчиқа бориб келаверишга эса бир ойлик миқдоридаги пулни сарфлашга тўғри келди. Ўтган йил учун ҳозирча бир сўм ҳам олмадим. Эшитишимча, мен аввал ишлаган қурилиш ташкилоти банкротга учраган, шу боис ҳақимни тўлашмаётган эмиш.


Дунёда яхшилар кўп. Менинг аҳволимга ачинганлар бу муаммоли масалани ечишда «Ишонч» газетасига мурожаат этишимни маслаҳат беришди. Шундай қилдим ҳам.

Буни қарангки, ижодкорлар аралашувидан сўнг орадан бир ойу саккиз кун ўтгач, 1 йил-у 2 ойлик нафақа пулимни уйимга олиб келиб беришди. Шунда кўзимга бутун олам ёришиб кетгандай бўлиб кўринди. Оиламиз аъзоларининг қувонганини айтмайсизми! Шу заҳоти сим орқали таҳририят билан боғланиб ўз миннатдорчилигимни билдирсам, улар бу муаммо асосан Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси саъй-ҳаракати билан ҳал этилганлигини маълум қилишди.

Бундан қатъий назар, жонимга аро кирган барча ходимларга дил изҳоримни етказишни илтимос қилдим.

Ахрол ИБРАГИМОВ,
II гуруҳ ногирони. Тошкент шаҳри.







АДОЛАТ ТАНТАНАСИГА ИШОНАРДИК

Биз Янгийўл шаҳар марказий шифохонасининг кардиология бўлимида тинчгина ишлаб келаётган эдик. Нимаям бўлди-ю, катта ҳамшира бизларни чақириб, ойлик маоши пастроқ бошқа ишга ўтишимизни талаб қилди. Бундай саъй-ҳаракатлар қонун доирасида қилинмаётганини англаганимиздан кейин бош шифокор, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ҳатто мутасадди вазирликкача ўз ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя этилишини сўраб, шикоят-аризалар ёздик. Хатимиз юзасидан комиссиялар келди, бироқ бош шифокор, бўлим мудирлари билан суҳбатлашиб қайтишаверди. Бизни йўқлашмади, дардимизни эшитишни лозим топишмади. Умидларимиз пучга чиққач, «Ишонч» газетаси таҳририятига мурожаат қилдик. Бу ерда бизга илиқ муносабатда бўлиниб, хатда кўрсатилган далилларнинг аксарияти билан маҳаллий ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари шуғулланиши лозимлигини тушунтиришди.

Орадан озгина вақт ўтач шаҳар прокуратурасидан вакиллар келиб, сарани сарага, пучакни пучакка ажрата бошлашди. Ва, ниҳоят, анчадан буён биз умидвор бўлиб юрган вақт ҳам етиб келди — ўз иш жойимизга тикландик. Бўлим катта ҳамшираси Г.Ким эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Хулоса шуки, буларнинг ҳаммасига газета аралашувидан сўнггина эришилди, деб ўйлаймиз. Шу боис «Ишонч»нинг 10 йиллигини нишонлаётган жамоага миннатдорчилик билдирамиз.

Нилуфар ИСАНОВА,
Гулноза БЕКТОШЕВА,
Шаҳноза РАҲМАТОВА,
ҳамширалар, Янгийўл шаҳри.

ИШЛАРИМИЗ ЮРИШДИ

Хусусий мулкчиликка йўл очилганидан руҳланиб қариндош ва дўстларимни ёнимга олиб «Аланга» хусусий корхонаси ташкил этдим. Жамоа хўжалигига қарашли ушбу ғишт заводига «Олтой», Т-4, Т-28, Т-150 техникалари ва битта прицеп сотиб олдим. Кўп ўтмай «Гулистон» ширкат хўжалиги раҳбарлари биздан тракторларни вақтинча фойдаланиб кейин қайтариб берамиз, деб сўзларининг уддасидан чиқишмади. Ҳатто заводга тортилган электр сими, устун ва трансформаторни ҳам олиб қўйишди. Ёрдам сўраб Қўшкўпир туманининг тегишли идораларига, натижа чиқмагач собиқ ҳоким Ўринбой Абдуллаевга мурожаат этдим. Афсуски, арзимга улар қулоқ тутмади. Хоразм вилоят адлия бошқармаси вакиллари ҳам менинг қонуний мулкимни ундириб беришолмади.

Шундан кейин «Ишонч»га шикоят хати ёздим. Чунки, унинг ёрдам беришига ишонардим. Хатим асосида ўтган йилнинг 5-сентябр сонида газетада «Кучлари тадбиркорга етибди» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинди. Шундан сўнг ҳақиқат тикланди. Менга тегишли 4 та трактор қайтаришди. Электр симларини улаб беришди. Мана, бир неча ойдирки, ишлар бир маромда кетяпти. Ўн нафар кишининг рўзғорига барака киряпти. Бунинг учун газетага минг раҳмат!

Ҳ.МАТНАЗАРОВ,
тадбиркор.
Қўшкўпир туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги.

МАОШИМИЗНИ УНДИРИБ БЕРДИ

Биз, Урганч туманидаги «Лочин» фирмасининг ишчилари беш-олти ойлик маошларимизни ундиролмай сарсон бўлиб юрдик. Ҳокимликка бориб дардимизни айтдик. Туман раҳбарлари ёрдам бермагач, «Ишонч»га мактуб йўлладик. Газетада «Ваъда билан қорин тўймайди» сарлавҳали мақола босилиб чиққач, оғиримиз енгил бўлди. Фирма директори Даврон Матёқубов уйимизга келиб маошимизни бериб кетди. Беминнат ёрдамингдан миннатдормиз қадрли «Ишонч»!

И.ДАВЛЕТОВ, Ж.ОТАЖОНОВ, И.ХУДОЙБЕРГАНОВА, О.РАҲМОНОВА, Б.МАТЧОНОВА, К.ТОЖИБОЕВА, Г.ЖУМАНИЁЗОВА ва бошқалар.

МУШКУЛИМ ОСОН БЎЛДИ

Бошингга ташвиш тушмасин экан. Буни ўз ҳаётида синаб кўрганлар яхши билишади. Мен ҳам тинчгина вилоят болалар шифохонасида хизматчи бўлиб ишлаб келаётган эдим. Кутилмаганда маъмурият раҳбари турли баҳоналарни рўкач қилиб ишдан бўшатди. Бу ғайриқонуний буйруқдан норози бўлиб, вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасига ёзма равишда мурожаат қилдим. Қўмита вакиллари Меҳнат кодексининг 237-моддаси талаблари бузилганлиги, яъни ҳомиладор ва уч ёшгача боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйиб бўлмаслигини исботлаб беришди. Буйруқ бекор қилиниб, қайта ўз жойимга ишга тикландим, мажбурий бекор юрган кунларим учун ҳам тегишли ҳақим ундириб берилди.

Илтимос, газета орқали ана шундай жонкуяр кишиларга раҳматимни етказиб қўйсангиз.

Наргиза КАМОЛОВА,
хизматчи. Бухоро шаҳри.



Таҳририятга қадам ранжида қилган ҳар бир фуқаронинг масала-муаммосига ўта масъулият билан ёндошилади. Тегишли идора, ташкилотлар билан боғланилади, лозим бўлганида ҚУФКнинг тажрибали ҳуқуқшунослари жалб этилиб, мурожаат қилувчининг мушкулини осон этишга астойдил ҳаракат қилинади.

Суратда: газета бош муҳаррирининг ўринбосари А.Маннопов ҳамда хатлар ва оммавий ишлар бўлими ходими К.Боймуродова Марҳамат туманидаги электротехника заводи собиқ ишчиси Эркиной Сиддиқова билан ўзаро мулоқот чоғида.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

МУРУВВАТ

Пойтахт касаба уюшмалари хўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда эҳтиёжмандларга 100 миллион сўмлик моддий мадад кўрсатдилар

Наврўз халқимизнинг қадимий байрами бўлиб, меҳр-оқибат, эзгулик туйғулари, умуминсоний ва миллий қадриятларни улуғлаб келаётганлиги туфайли ардоқлидир.

Умумхалқ байрамини уюшқоқлик билан, мазмунли ўтказиш пойтахт касаба уюшмалари фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу қутлуғ шодиёнани муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича кўрик-танлов эълон қилингани диққатга моликдир.

«Она ва бола» давлат дастури доирасида уюштирилаётган мазкур кўрикнинг мақсади инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, фарзандларимиз онгига она Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги улкан бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш, дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибатни улуғлашдан иборат. Ушбу тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар, анъаналар ва қадриятларни қайта тиклашга бағишланган кечалар, давра суҳбатлари уюштириш, халқ сайллари ва ўйинлари, аскиячилар ва дорбозларнинг чиқишлари, полвонларнинг беллашувлари, от спорти ўйинлари, пойгаларини ўтказиш кўзда тутилган. Меҳнат ва ўқув жамоаларида, уларнинг маданият муассасаларида «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида адабиёт, санъат ва ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида шаҳар кўрик-танловининг 1-босқичи ўтказилди.

Айни кунларда «Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси», «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамиятлари, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг маданият саройларида ва кўплаб меҳнат жамоаларида бадиий ҳаваскорлик ансамбллари, амалий санъат усталари, ҳаваскор қаламкашлар, рассомлар ушбу кўрик-танловда қатнашиб, истеъдодларини намойиш этдилар.

Кўрик ғолиблари ва фаоллари пойтахт касаба уюшмалари Кенгаши томонидан март ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказиладиган байрам кечасида тақдирланадилар. Уларга «Бўстон», «Янгийўл», «Хумсон» санаторийларига имтиёзли оилавий йўлланмалар ажратилган.

Наврўз байрами хайрли, саховатли ишларни кенг қамраб олиши билан ҳам файзлидир.

Касаба уюшмалари ташкилотлари хўжалик раҳбарлари билан биргаликда жорий йилга қабул қилинган жамоа шартномалари доирасида байрам арафасида кўп болали, кам таъминланган оилаларга, уруш қатнашчилари, ногирон ва уларга тенглаштирилган шахслардан 70 минг нафарига жами 100 миллион сўм миқдоридаги меҳр-мурувват ёрдами кўрсатди. Шунингдек, булардан ташқари яна 57 минг нафар кишига моддий кўмак берилди.

Меҳнат жамоаларида меҳнат қилаётган 10 минг нафар аёлни фарзандлари билан мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътилида Туркистон саройида эстрада юлдузлари ва болалар, ўсмирларнинг ижодий гуруҳлари иштирокида бўлиб ўтадиган Наврўз байрами томошаларига бепул ташрифи уюштирилмоқда.

Шунингдек, 350 нафар маориф ходимларини Самарқанд шаҳрига имом Исмоил ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилишга юбориш, меҳнаткашлар айниқса, ёшларнинг пойтахт музейлари ва кўргазмаларига, тарихий ёдгорликлар, спорт-соғломлаштириш масканлари ва сайлгоҳларга экскурсияларини уюштириш кўзда тутилган.

Мазкур таътил кунларида «Алгоритм» акциядорлик жамиятининг «Семурғ», «Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятининг «Саломатлик», «Тоштўқимачи» акциядорлик ва «Қизил тонг» очиқ акциядорлик жамиятларининг санаторий-профилакторийларида ишчилар фарзандлари билан биргаликда соғломлаштирилади. Йўлланмалар оналарга имтиёзли равишда, уларнинг фарзандларига эса бепул берилади.

Халқимизда, кўклам — меҳнат билан кўркам, деган нақл бор. Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»да меҳнат ва ўқув жамоалари ҳудудлари, уй-жой даҳалари ва қабристонларни ободонлаштириш, кўчатлар экиб боғлар яратиш каби азалий удумларимиз давом эттирилиб, шаҳри азим кўркига янада кўрк қўшилишига шубҳа йўқ.

Улуғбек ПЎЛАТОВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ташкилий ишлар бўлими маслаҳатчиси.

ЯХШИЛИК ЯХШИДИР, ЭЗГУЛИК АБАД

Дунёга келганмиз ҳайқириқ бирла,
Унинг садосида бор катта мақсад.
Шу мақсад йўлига ўзингни чоғла,
Яхшилик яхшидир, эзгулик абад.

Нимага эришма, ўзни камтар тут,
Меҳрингни аяма шоҳу гадодан.
Яхшилик қилғилу, яхшиликни кут,
Инсонга меҳр-ла бўл доим ҳамдам.

Улуғликни ўрган пурвиқор тоғдан,
Қуёшдан ўргангин меҳр кенглигин.
Аямас нурин ул саҳрою боғдан,
Меҳрдан яралмиш одам ҳам, билгин.

Ҳеч кимдан аяма то абад меҳринг,
Шунда инсонлигинг абадий сўнмас.
Қалбинг қуёшидан баҳраманд элинг,
Унутмас, номингга гард-ғубор қўнмас.

Бағдод БАҲРОМОВ,
профессор.



БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

Бева-бечора, муҳтож одамлар ва оилаларга кўмак бериш, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиш, ҳаёт ҳузур-ҳаловатларидан уларни баҳраманд қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу интилишларимиз, уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни обод этиш айни Наврўз кунларида намоён бўлиши халқимизнинг табиатига мосдир.

СУННАТ ТЎЙИ — ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИДА

Фиждувон шаҳридаги «Чорсу» маҳалла фуқаролар йиғинида кам таъминланган икки оила фарзандларининг суннат тўйлари ҳомийлар ёрдамида ўтказилди. «Говшун» қишлоқ фуқаролар йиғини аҳли ҳам эҳтиёжманд оилалар фарзандларидан 10 нафарининг суннат тўйини Наврўз куни нишонлади.

Фиждувондаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ҳам Наврўз кунларида қутлаш анъанага айланган. Байрам куни бу ерда хайрия концерти ташкил қилинади, йирик корхона ва ташкилотлар, жамғармалар вакиллари, тадбиркорлар меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, болаларга Наврўз совғалари улашади.

(ЎзА).

Менинг мусулмон элим

Инсон ҳамиша эзгуликка интилиб яшайди. Йиллар, асрлар ўтсада, меҳрдан, эзгуликдан барпо этилган тенги йўқ кўнгил кошоналари, яхшиликдан нур олиб яшаётган ўзбекона урф-одатларимиз сайқалланиб бораверади. Одамзоднинг ҳар бир яхши амали-ю, саховатида бу ўзгача шаклу шамойил касб этади.

АРАЗЛАШГАН ЯРАШДИ, МЕҲР ТОРИ УЛАНДИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳам ушбу анъаналаримизни давом эттириб, байрам муносабати билан бир қатор хайрли ишларни амалга оширди. Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги бир неча мактаб ўқувчиларига ҳамда Самарқанд вилояти Челак туманидаги 21-мактаб ўғил-қизларига дарсликлар, кийим-кечаклар, янги чоп этилган ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар совға қилинди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон республикасидаги меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари Марказий қўмитанинг кийим-кечаклар, ўқув қуроллари, турли ўйинчоқлардан иборат байрам туҳфаларини олдилар.

Марказий қўмита томонидан бошлаб берилган хайрли ташаббусни барча вилоят тармоқ қўмиталари давом эттирмоқдалар. Хусусан, Самарқанд вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан шаҳар ва туманларда катта ҳашар ишлари ўтказилди. Тизим ходимлари мактаб ўқувчилари билан биргаликда 10 тадан мевали дарахт ниҳолларини ўтқаздилар. Шунингдек, кам таъминланган, ёлғиз, қаровчисини йўқотган соҳа ходимлари ва уларнинг оилалари, фахрийлар, қарияларга ғамхўрлик кучайди. Ҳомийлар кўмаги билан 423 нафар ходимга 1 миллион 246 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Тармоқда меҳнат қилаётган 341 нафар кишига эса касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 434 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Самарқанд шаҳрининг Боғишамол туманидаги 9-Меҳрибонлик уйидаги 5 нафар болажоннинг суннат тўйлари ўтказиб берилди. 10-, 11-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ҳамда 1-ёрдамчи мактабнинг ногирон ўқувчиларига совға-саломлар топширилди.

Шунингдек, Наврўз байрами арафасида Каттақўрғон шаҳридаги 13-ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси, меҳнат ногирони Нурия Даминовага шаҳар мкасаба уюшма қўмитаси томонидан ҳомийлар ёрдамида 93 минг сўмлик ногиронлар аравачаси ҳадя қилинди. Кам таъминланган ва бемор ходимларга 41 минг сўмлик моддий ёрдам ва совғалар топширилди.

Худди шундай Тошкент вилояти тармоқ қўмитаси ҳам тасарруфидаги 21 та туман ва шаҳарларда шанбаликлар уюштириб, 127 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт, 58 минг туп гул кўчатлари экишга эришди.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳар касаба уюшма қўмитаси томонидан волейбол, мини футбол, оилавий спорт турлари бўйича мусобақалар, касаба уюшма фахрийлари ва фаоллари билан учрашувлар, бадиий ҳаваскорлик кўрик-танловлари уюштирилди.

Жиззах вилоят тармоқ қўмитасида ҳам Наврўздаги яратувчилик ишлари қизғин паллага кирди. Вилоят бўйича тизимдаги ташкилот ва муассасаларда 3500 та ҳашар ва шанбаликлар ўтказилиб, 4630 туп ниҳол экилди. Тармоқда меҳнат қилган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган қарияларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

Энг аҳамиятлиси, халқимизнинг азалий анъаналарига биноан касаба уюшма қўмиталари саховатталаб ташкилотлар билан биргаликда меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўғлонларнинг суннат тўйларини, ўсмир ўғил-қизларнинг мучал тўйларини ўтказиб бердилар.

Хоразмдаги тадбирлар вилоят миқёсида ўтказилган «Ассалом Наврўз - 2001» катта байрам дастури билан бошланди.

Унга барча шаҳар ва туманларнинг меҳнат фахрийлари, ижодкор ўқитувчилар, аълочи талабалар таклиф этилдилар. Кечада болалар боғчалари тарбиячилари ўртасида «Олам гулга буркансин» деб номланган кўрик-танлов ҳам бўлиб ўтди. Унинг ғолиблари вилоят тармоқ қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар. Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали, ногирон фарзанди бор оилаларга вилоят қўмитаси томонидан мурувват ёрдами кўрсатилди. Бу мақсадлар учун 345 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Мурувват ёрдамидан 94-болалар интернати ўғил-қизлари ҳам баҳраманд бўлдилар. Урганч туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси кам таъминланган ва кўп болали оилалардан 45 нафарига 70 минг, Шовот туман қўмитаси 105 минг, Урганч шаҳар қўмитаси 200 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 100 минг сўмлик кийим-кечак ҳадя қилди.

Байрамда касаба уюшма фаоллари ташаббуси билан янги боғлар, дарахтзорлар барпо этиш ҳам яхши анъанага айланган. Жумладан, 155 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, 925 минг сўмлик ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

XXI аср биринчи баҳорини қорақалпоғистонликлар ҳам кўтаринки руҳда қарши олдилар. Янги йил инсонларга меҳр-муҳаббат кўрсатиб кутиб олинса, кўнгли яримларнинг кўнгиллари кўтарилса йил давомида қут барака аримайди, деган нақлга амал қилган қорақалпоқ биродарларимиз улуғ айём арафасида кўнгли ярим болажонларнинг суннат ва мучал тўйларини кенг нишонламоқдалар. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳрибонлик уйида 7 нафар болакай — уч Азамат, Серик, Куралбой, Давлатёр, Шуҳратларнинг суннат тўйлари тантанали ўтказилди. Ўғлонларга миллий сарполар кийдирилди. «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ва Миллий банк томонидан уларнинг номларига мақсадли омонат дафтарчалари очилди. Шунингдек, 24 нафар болажоннинг мучал тўйлари бўлиб ўтди. Улар шу куни оппоқ кўйлакларда эл олдига чиқдилар, биринчи бор тулпорларга миндилар. Яна уларнинг ҳар бири яхши ният билан ниҳол экиб, табаррук отахон ва онахонларнинг оқ фотиҳаларини олдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

НОГИРОНЛАР АРАВАЧАСИ ТОПШИРИЛДИ

«Маҳалла» республика хайрия жамғармасининг Наманган вилояти бўлими фаоллари Наврўз байрами арафасида хайрия тадбирини ўтказди.

Эҳтиёжманд ногиронларга қиймати миллион сўмдан ортиқ 15 та ногиронлар аравачаси топширилди. Ушбу савоб ишни маҳаллий ҳокимият идоралари, бир қанча корхона ва ташкилотлар қўллаб-қувватлаб, ҳомийлик ёрдами кўрсатишга ваъда беришди. Жамғарманинг вилоят бўлими камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб келаётир.

КЎПЧИЛИК КУТГАН СОВҒА

Наврўз кунлари Хатирчи тумани марказида 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам маркази ишга тушди. Марказни тўлиқ қайта таъмирлаш учун 25 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Янги шифо маскани Япония гранти асосида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Эндиликда хатирчиликлар юқори малакали тиббий хизматдан фойдаланади.

(ЎзА).



КЕКСАЛАР ИЗЗАТДА

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг марказий бошқаруви тасарруфидаги Янгийўл юрак-асаб касалликлари сиҳатгоҳида ҳам баҳор келиши билан ободонлаштириш ишлари қизиб кетди. Сиҳатгоҳ ҳудуди чиқиндилардан тозаланди, дарахтларга шакл берилди, мевали ва ранг-баранг гул кўчатлари ўтқазилди. Ободонлаштириш ойининг сўнгги кунида асосий ишдан бўш бўлган катта-ю кичик ходимлар ҳовлига чиқиб, енг шимариб меҳнат қилди. Иш тугагач, меҳнатлари самарасини кўриб, баҳри диллари очилиб кетди. Сиҳатгоҳ жаннатмакон масканга айланган эди. Сўнг тушлик байрам дастурхони ёзилди. Дастурхонга бир-биридан тотли баҳорий таомлар, турли пиширикликлар қўйилди.

Сиҳатгоҳ директори М.Мираҳмедов, унинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари З.Довженко ва бошқалар ҳар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик, маъмурчилик, ҳамкасбларига саломатлик, бахт-саодат тиладилар. Қўшиқ куйга уланди. Ёшлар даврага тушиб байрам кечасини қизитдилар. Шодиёна алламаҳалгача давом этди.

Сиҳатгоҳ маъмурияти ҳар йили туманда истиқомат қилувчи меҳнат ва уруш фахрийлари учун зиёфат қилиб беради. Бу йил ҳам анъана давом эттирилиб, юз элликдан ортиқ нуроний отахон, онахонлар сиҳатгоҳга чорландилар. Азиз меҳмонларга самимий тилаклар билдирилди. Кекса отахон, онахонлар эъзозлаб, ҳурматлари жойига қўйилганидан беҳад хурсанд бўлдилар.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

САМАРҚАНД СУВИ – ВОБКЕНТДА

Тоза ичимлик суви муаммо бўлиб турган Вобкент шаҳрининг айрим мавзелари ва унга туташ М.Жўрабоев ҳамда Ал-Бухорий номидаги ширкат хўжаликлари аҳолиси «Дамхўжа-Бухоро» қувурига уланган сув тармоғи орқали Самарқанднинг зилол сувидан баҳраманд бўла бошлади. Бу савоб ишни амалга ошириш учун туман «Сувоқава» бошқармаси уч километрлик масофага қўшимча қувур тортди.


(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ, ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Республикамиз меҳнат аҳлини ва соҳа ходимларини мубо-рак айём — Наврўзи олам билан чин қалбдан табриклайди.



Жондан азиз Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин!



Яратувчилик ишларингизда омад, муваффақият ҳамиша ёр бўлсин.

ҚУВА КАНДОЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

Ватандошларимизни, Корхона ишчи-хизматчиларини Наврўз байрами билан самимий қутлайди.



Оналар ва болалар йили-да Сиз азизларга бахт-саодат ва онглик ти-лаб, ўз маҳсулотларини тавсия этади.



Корхонада ишлаб чиқарилаётган шарқ ширинликлари байрам дастурхонингизни безайди.

ОНА ХАЛҚИМ, ЎЗИНГСАН БУЮК

Миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган унинг оқил ва доно фарзандларидир. Оллоҳ таоло қайси халқни суюб ардоқласа, ўша халққа ғурур, шаън-шавкат бўладиган комил фарзандлар инъом этади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби, Олий Мажлис депутати Абдулла Орипов элимизнинг, элдошларимизнинг қалб тўридан жой олган ноёб истеъдод соҳиби. Чин маънода миллат тимсолига айланган шоир.

ШЕЪРИЯТИ ВАТАН МУЛКИ

Абдулла Орипов 1941 йилнинг 21 мартида Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Некўз қишлоғида туғилган. Унинг «Митти юлдуз», «Кўзларим йўлингда», «Руҳим», «Онажон», «Ҳайрат», «Ўзбекистон», «Юзма-юз», «Йиллар армони», «Ишонч кўприклари», «Сен баҳорни соғинмадингми», «Ҳикмат садолари», «Савоб», «Ҳаж дафтари» каби китоблари нафақат Марказий Осиё халқлари, балки жаҳоннинг кўпгина халқлари орасида ҳам маълум ва машҳур.



Замоннинг гоҳ ўтли, гоҳ аёзли дамларида яшаб, гоҳ нурлар, гоҳ соялар қуршовида қадам-бақадам зиё излаб, игна билан қудуқ қазиб, сўздан эзгулик қўрғони бунёд этган беназир шоир, мустақиллик ва миллат саодати учун фидойи инсон Абдулла Орипов 60 ёшда. Ҳақиқий шеърият халқ, Ватан мулкидир. У нафақат ўз ижодкори, балки халқининг қалб сўзи, орзу-армонларидан сўзлайди. Абдулла Орипов шеърияти эса Ватан меҳри ила йўғрилган, халқимиз армонларидан туғилган, «Она халқим, ўзингсан буюк» деган ишончдан куч олган, халқ қалбига айланган шеърият. Шунинг учун ҳам унинг шеърларини шунчаки ўқиб бўлмайди. Уни ўқиш ва уқиш учун Ватанни теран англаш, халқнинг дардини, армонини, қалбини ҳис этмоқ, Милатни шоирдек севмоқ учун бирдай азиз Ватан, Ватанга муҳаббат туйғуси илдизлари озиқ оладиган асос омилларини теран ифода этганди.

«Гарчи бу шеър Абдулла Ориповнинг дастлабки асарларидан бири бўлса-да, унда ифодаланган фикр, моҳият эътибори билан шеърнинг ўзи бутун бошли шеъриятимиз учун янгилик эди». Жажжигина жавоҳирдай бу ноёб асарда шоир бутун башарият ўзликни англашга чорловчи шеърият. Оқсоқол ёзувчимиз Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ўз эсдаликларида шундай ёзади: «Ғафур Ғулом мотами куни устознинг ўзидек оташин бир шоир пайдо бўлди. У даврага чиқиб алам, фарёд билан шеър ўқиди... Бу Ғафур Ғулом орзу қилган ва лекин суҳбати насиб этмаган ёш Абдулла Орипов эди.

Қаранг, нақадар буюк ўхшашлик. Пушкин оламдан ўтган куни Лермонтов, Ғафур Ғулом кўз юмган куни Абдулла Орипов шеъриятга кириб келди ва шеър занжирига битта олтин ҳалқа бўлиб уланди».

Ҳа, яхшилик яхшиликка доядир. «Шарқ юлдузи»да Озод Шарофиддинов «Оқ йўл» тилаган, «Муножотни тинглаб», «Бургут» деган шеърлари билан Абдулла Қаҳҳор назарига тушган, Миртемирдан сабоқ олиб, Шайхзодадан қаноату фалсафийликни ўрганган, Ойбекдан тавсиянома олиб адабиётга кириб келган Абдулла Орипов ҳуррият туфайли қаҳрамон шоир, юрт мадҳиясини ёзган бахтиёр инсондир.

Ватан Озодлиги шоир ижодига ўзгача мазмун бахш этди. Унинг Ўзбекистон Давлат мадҳиясига ёзган матни, буюк Амир Темур ҳақидаги «Соҳибқирон» шеърий драмаси, «Женева дафтари» асарлари миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда ибратомуз манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзлиги маърифат ва ҳақиқатга айланган шоирнинг ҳар шеъри, ҳар бир китоби шеърият мулкига, халқимизнинг қалб гавҳарига айланиб бормоқда.

Амина ҚОДИРОВА.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё?
Нечун Ватан дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.
Аслида, дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшими севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,
Нечун ардоқларман тупроғини мен,
Ўпаман: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан».
Аслида тупроқни одил табиат
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!
Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин, десалар менга,
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга.
Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?
Ватанлар, Ватанлар,
Майли гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса кечирма асло!

ДУНЁ

Бир кимса умрининг сўнгига қадар,
Йиғди молу дунё, йиғди сийму зар.

Уни қизиқтирди на дўстнинг ҳоли,
Ва на қўшнисининг ўксик аҳволи.

У чиндан мол-мулкнинг жиловин тутди,
Фақат нафс ортидан от суриб ўтди.

Бир куни ба ҳукми тақдири азал,
Шамширин кўтариб келди-ку ажал.

Энди на сийму зар қутқара олур,
На биллур, на гавҳар қутқара олур.

Рози ё норизо — фақат йўқ мутлоқ,
Бундай чоғ чорасиз ҳатто дўст-ўртоқ.

Бешафқат ажалга берар экан тан,
У деди: «Шу экан, дунё шу экан».

Марҳумга марҳумлик кўрилгай лойиқ,
Уни қабристонга элтди халойиқ.

Уюм тупроқ бўлди қувончи-ғами,
Кимдир боқиб деди: «Шунга шунчами...»

ТЕЛЕФОН ДАФТАРИ

Сира ажаб эмас,
Шомдан то саҳар
Ўнлаб дафтарларга кўмилиб қолсам.
Телефон дафтари —
Лекин, бу дафтар...
Юрагим безиллар, қўлимга олсам.

Унда қанча-қанча дўсту қадрдон,
Таниш нотанишнинг номлари бордир.
Бири Инсон эди, то ҳануз Инсон,
Бошқаси, афсуски, иблисга ёрдир.

Бири бойиб кетган, қув, иззатталаб
Балки ўзгартирган эски рақамин.
Бирови, кўзимнинг ёғини ялаб,
Мендан аллақачон узган қадамин.

Бировига эса - ёқмабди мансаб,
Атрофин ялтоқи зотлар ўрабди.
Қай куни қирқ йиллик дўстига қараб,
Исминг нима эди, - дея сўрабди.

Манов камтар, йўқсил танишим,
Кўнгли ўсмасмиди битта сўзимдан.
Мен ҳам ўзгардимми? Мўлми ё ишим?
Бир бор йўқламабман. Гина ўзимдан...

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

Фожиа эмасдир бу гаплар зинҳор,
Балки қай бирини тузатса бўлар.
Лекин дафтар ичра қатор ва қатор,
Марҳум дўстларимнинг номлари турар.

О, менинг қалби пок бародарларим,
Қонингиз не учун бемаҳал тинди.
Сиз йўқсиз - мен учун давралар ярим,
Куним кимларгадир қолмишдир энди.

Ҳа, номард бўлса ҳам ширин шу ҳаёт,
Ҳа, заққум бўлса ҳам ғанимат зумлар.
Биламан, ортига қайтмас коинот,
Биламан, тирилиб келмас марҳумлар.

Балки ўчирсамми номларин? Асло!
Чўчийман, ўзимдан дакки егандай.
Улар, рақамларин терсам мабодо,
Юлдузлар ортидан «Лаббай» дегандай.

БУЮКЛИК

Осмону фалакда мўъжаз юлдуз — тош
Минди ўз табиий тайёрасига.
Роса бўшлиқларда дайдигач бебош,
Урилди Муштарий сайёрасига.

Муштарий дегани офтоб мисоли
Фазо карвонида муҳташам нордир.
Не кечди у шўрлик юлдузнинг ҳоли,
Вазни тоғ қошида зиғирча бордир.

Буюклик қудратин сезмай ё сезиб,
Ўзи излаб топмиш сўнгги маррани.
Муштарий самода милярд йил кезиб,
Ахир ахтармаган ўша заррани.

Таажжуб қиламан, буюклик асли,
Танлаган йўлидан бурилмас экан.
Зарра буюкликка урилгай, аммо,
Буюклик заррага урилмас экан.

ОНА

Каъба қопқасида турган эй, посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф қил, кўзга сурт, ўпгин қўлларин.
Ҳожар онамизнинг нидоси сабаб
Каъбада кўз очган оби зам-зам ҳам.
Бир умр талпинмиш онага қараб
Не-не пайғамбарлар, кўзларида нам.
Қавмимни ранжитиб қўймайин, аммо
Тобут ясаб келган эр зоти доим.
Оналар бағрига фақат бешик жо,
Ҳаётбахш аллалар айтган, мулойим,
Шўрлик одамзоднинг толеи учун
Энг аввал оналар қилсин ибодат.
Зора, гуноҳлардан пок бўлгай очун,
Оналар ўтинчи топиб ижобат.
Каъба қопқасида турган эй, посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф қил, кўзга сурт, ўпгин қўлларин.

МАКТУБ

Ғазаллар тўқирдим сенга бир замон,
Қўшиқлар айтардим тунлар бошингда.
На чора, ушбу кун ўзга бир инсон,
Ўзга бир муҳаббат турар қошингда.
Эшитдим, хазонли боғларда танҳо
Ўтказар эмишсан сокин пайтларни.
Сарғайган дафтаринг варақлаб гоҳо,
Такрорлар эмишсан маҳзун байтларни.
Мен ҳам тонглар баъзан йўлга қарайман,
Мунаввар қуёшга кўксимни очиб.
Сенинг хаёлингдан мадад сўрайман,
Сенинг хаёлингга бораман қочиб.
Лекин қутулмоқ йўқ ҳижрон дастидан,
Фақат қалбимизда бардош ва сабот.
Дунёда жамики ҳислар устидан
Қаҳқаҳа уради қадим бу ҳаёт.
Надомат нимага ва афсус нечун?
Оламда неки бор ўчар бешафқат.
Бизнинг вазифамиз кўникмоқ беун,
Бизнинг вазифамиз унутмоқ фақат.
Йиллар ўтиб кетар такрор ва такрор,
Ёшлик ҳам ўтади бенишон, бесас.
Лекин ўша чоқ ҳам хўрсиниб, бир бор
Севгандим, набирам, дея олсак бас...

Шу сонга мактуб

МУҲАММАД ЧАТОҚ ХУНОБ ЭМАС

ёки корхона ҳақиқий эгаларига қайтарилди

Инсонга наф келтириш олий бахт, олий қадрият. Мен бугун комил ишонч билан шуни айта оламанки, «Ишонч» ҳам одамлар манфаати йўлида беминнат хизмат қилмоқда.

Вилоятимиз хўжаликлари ва аҳолисини сара сабзавот, полиз, хўраки ва ҳашаки илдизмевали озуқабоп экинлар уруғлари ҳамда уруғлик картошка билан таъминлаб келган «Сабзавотнавуруғлари» корхонаси сиз, матбуот ходимларининг саъй-ҳаракатингиз билан яна деҳқонлар хизматига қайтарилди.

Агар эсингизда бўлса, газетангизнинг ўтган йил 4 октябрдаги сонида «Муҳаммад чатоқ нега хуноб?» сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда Навоий вилоятида давлат мулкини хусусийлаштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани, вилоят «Сабзавотнавуруғлари» бирлашмаси ана шундай ноқонуний «ният»лар қурбони бўлгани асосли танқид қилинган эди. Мақола муҳтарам Президентимизнинг «Уруғчиликка эътибор беринглар» деган даъватига амалий жавоб бўлди, десам муболаға бўлмайди.

Бирлашмани ноқонуний хусусийлаштирмоқчи бўлган вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Комил Аҳмедов ва унинг биринчи ўринбосари Ҳусан Жўраевлар вазифаларидан четлаштирилди. «Сабзавотнавуруғлари» масъулияти чекланган жамият раиси Фарҳод Тўхтаев ҳам ишдан олинди. Корхонага берилган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 0003093 рақамли давлат ордери вилоят хўжалик судининг 2000 йил 5 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан корхона оталиққа олиниб, уни қайта тиклаш тадбирлари белгиланди. Хўжалик ва деҳқонларнинг уруғликка бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида «Нарпай» ширкат хўжалигидан 10 гектар ер ажратилди. Давлат тасарруфига қайтарилган, банкротлик остонасида турган бирлашмага имтиёзли кредит ажратиш масаласи ҳал этилмоқда. Корхонага ташқи бошқарув раиси этиб Одилжон Рўзиев тайинланди.


Ишонаманки, Навоий вилоятида сабзавот, полиз экинлари уруғчилиги шуҳрати қайта тикланади. Корхона манфаатини дадил ва адолатли ҳимоя қилгани учун «Ишонч»дан миннатдормиз.

Сизга ҳурмат билан

М. ТУРСУНОВ.

ТОЖИ БОБО БОҒЛАРИ

Умумхалқ байрами Наврўзни муносиб қаршилаш, юртимизни боғ-бўстонга буркаш, чиройига-чирой қўшиш ҳар бир қашқадарёлик учун қалб даъватига айланди.



Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари вилоятнинг чекка тоғолди қишлоқларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Хусусан, Китоб туманидаги «Паландара» ширкат хўжалигида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир.

Айниқса, Абу Али ибн Сино номли санаторий ҳудудининг саранжом-саришталигидан кўз қувнайди. Зеро, биров дарахт таналарини оқлаган, яна биров кесилган новдаларни йиғиштириб, боғнинг бир чеккасига чиқарган, хуллас, ҳар ким бир юмуш билан банд. Оппоқ соқоли ўзига ярашиб турган, истараси иссиқ отахоннинг ҳаракатларини кўриб, қувончимиз яна-да ошди.

— Хўжалигимиз боғбонларининг устози Тожи бобо Норбобоев бўладилар, - дея таништирди хўжалик раҳбари Абдуҳомид Воҳидов. - Боғбонлик сирларини шу кишидан ўрганганмиз.

— Мустақиллик шарофати ила ер ўз эгасини топди, - дейди бобо мамнуният билан. - Бугунги кунда ишни фарзандларим давом эттиришмоқда. Ўғлим Ботир 12 гектардаги ток ва 5 гектар ердаги мевали боғни оила аъзолари билан ижарага олган. Келинларим ҳам қараб туришмайди. Ишда сеникименики йўқ. Ҳамма бир мақсад йўлида меҳнат қилади. Бунинг натижасини олинаётган даромаддан билаяпмиз.

Тожи бобо Норбобоевга барчанинг ҳаваси келади. Фарзандлари меҳнаткаш, уйим-жойим дейдиган чиқишган. 30 га яқин невара-чевараларидан бор. 1992 йилда муборак Ҳаж амалларини бажарган отахон ҳозир ёшларга хос ғайрат билан ишламоқда. Бўш пайтларида ўғилларига кўмаклашади. Келинлари Матлуба, Сора, фарзандлари Сафар, Гулбаҳорлар оталари билан фахрланишади. Отахоннинг шогирдлари ҳам талай. Улардан бири ижарачи Хуршид Мансуров 2 гектарлик янги боғ барпо қилибди. Бир текис экилган олма кўчатларини кўриб кўзингиз қувнайди.

— Боғ яратиш савоб иш, - дейди ижарачи. - Биз ёшлар боғ яратиш сирларини Тожи бободан ўрганганмиз. Баҳорда яхши ният билан ўтқазилган кўчатнинг мевасидан баҳраманд бўламиз. Табиатимизнинг гўзаллиги, кишиларимиз саломатлиги кўп жиҳатдан биз етиштирган неъматларга боғлиқ.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: боғбон Тожи бобо Норбобоев дарахтларга шакл бермоқда.

Муаллиф олган сурат.

«НАВРЎЗ» ҚАЧОНДАН НИШОНЛАНГАН?

Кўҳна китобларда ёзилишича, Наврўз энг аввал шоҳ Қаюмарс даврида нишонланган. Қаюмарс Осиёнинг қадимги ҳукмдорларидан бири бўлиб, унинг даврида шаҳарлар барпо қилинган, кўплаб суғориш иншоотлари қурилган. Аҳоли баҳорнинг уйғониши — куннинг тунга нисбатан узая бошлаган вақтини «янги кун» деб улуғлашган. Шоҳ Қаюмарснинг буйруғи билан Наврўз байрами фақат шаҳарларда эмас, қишлоқ ва овулларда, далаларда ҳам катта тантана билан нишонланган. Одамлар байрамни қаршилаш учун табиат қўйнига чиқишган. Турли тансиқ таомлар — сумалак, ҳалим, кўкош билан бир-бирларини сийлашган.

Машҳур шоир ва мунажжим Умар Хайёмнинг ёзишича, Наврўз фақатгина урф-одат ва деҳқончилик байрами эмас, балки астрономик ҳодиса ҳам саналган. У асос солган тақвим бўйича шамсий йил (қуёш йили) айни Наврўз кунидан бошланган.

Зардуштийлик динининг китоби «Авесто»да эса «Наврўзни қаршилаган халққа шарафлар бўлсин» деб ёзилган. Демак, у узоқ тарихга эга.

Ҳилола БОЛТАБОЕВА.

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Қатралар

Бир неча кундирки, Насибанинг кўнгли ғаш. Арзимаган нарса сабаб бўлиб, қўшниси Қумрихон билан аразлашиб қолди. Икки қўшни ёнма-ён идорада ишлашар, кўпинча иккиси эрталаб йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетишарди. Ишдан қайтаётиб ҳам эшик ёнида учрашиб қолганларида бир зумгина чақчақлашишарди. Мана, уч-тўрт кун ўтди ҳамки, иккови бир-бирига дуч келиб қолишса, терс бурилиб кетишади. Гап йўқ, сўз йўқ...

Насиба ишдан қайтаётиб шуни ўйлар, арзу-араз қилиб юриш яхшилик аломати эмаслигини ич-ичдан ҳис қиларди. Сўнг у ўзини оғир хаёллардан чалғитмоқчи бўлди. «Бугун нима овқат қилсамикин, - деб ўйлади сўнгра. - Мана, Наврўз келди ҳамки, ҳали бирор марта болаларга кўк сомса пиширib бермабман-а?!»

У йўл ёқасидаги кўкат бозорига кирди. Исмалоқ, жағ-жағ, ялпиз харид қилди. Кечқурун болалари биринкетин кириб келишганида, уй ичини кўк сомсанинг ҳиди тутиб кетганди. Насиба иссиқ сомсалардан ихчамгина лаганга териб, ўғлига тутқазди:

— Қумрихонларникига олиб кир!

Ўғли сал ҳаяллаброқ қайтиб келди.

— Онажон, ўртоғим билан бир қур шахмат ўйнадик. Сомсани мактаб-мактаб ейишди. Сизга раҳмат айтишди.

Насиба эрталаб нонушта тайёрлаётганида эшик қўнғироғи жиринглади. Чиқса, Қумрихон. Жилмайиб турибди. Қўлидаги пиёлачада сумалак.

— Ҳозиргина, ойимлар берворибдилар. Сизларга илиндим.

Икки қўшни Наврўзнинг хосиятидан баҳраманд бўлиб, ораларидан ҳеч бир нарса ўтмагандек, чақчақлашиб ишга кетишди.

* * *

Гулнора телефонда аллаким билан гаплашиб, гўшакни жойига қўйди-ю, бир зум жимиб қолди.

— Ҳа, тинчликми? - деб сўради ишга отланаётган эри.

— Дадам бетоб бўлиб қолибдилар. Қизиқ, нима қилсамикин? Сиз ишдан қайтишда бирров хабар олиб келақолинг. Мен ишдан кейин Шаҳлонинг боғчасига — ота-оналар мажлисига боришим керак.

— Ия, бизнинг идорада ҳам бугун йиғилиш белгиланган-ку! - деди эри.

Эру хотин «Нима қилсак экан-а?» дегандек бир-бирига қараб қолишди. Сумкасини елкасига осиб, туфлисини кияётган Нодир уларнинг суҳбатини эшитиб, жилмайиб қўйди.

Кечқурун эр ишдан қайтганида аёл қизалоғини бағрига босганча хомуш ўтирарди.

— Сизга нима бўлди?

— Нодир ҳалигача мактабдан қайтгани йўқ.

— Нега? Ўртоқларинингикига қўнғироқ қилмадингизми?

— Ҳаммасиникидан сўроқладим. Билмаймиз, дейишди..

Вақт ўтиб борар, уйда кечки овқатга ўт ёқилмаган, телевизор қўйилмаган, ташқарида эса ёмғир ёғар, буларнинг бариси уйга аллақандай ваҳима олиб киргандек бўларди.

Кечки соат тўққизга яқин эшик қўнғироғи жиринглади. Эру хотин бараварига ирғиб туришди. Остонада Нодир кулиб турарди.

— Мактабдан чиқиб, бувамникига бордим. Анча тузук бўлиб қолибдилар. Сизларга салом дедилар!

Она ўғлини бағрига босиб, алланималар деб пичирлар, ота эса «Яшавор, ўғлим!» дегандек мамнун жилмайиб турарди.

* * *

Нилуфар қизларнинг таклифига дастлаб кўнмади.

— Бу гал менсиз бораколинглар...

Дугоналари ажабланишди: «Ахир, сайилдан ҳам бош тортадими, киши. Юр, бирпас ёзилиб келасан!». Нилу «хўп» дегандек бош ирғади. Ахир, ўртоқлари унинг аҳволини қаёқдан билишсин. Ҳатто, эрталаб умр йўлдошига ҳам айтолмади. Бир неча кундан бери унинг кўз олди қоронғулашади, тандирда ёпилган бугдой нонга кўнгли суст кетади. Қишлоғига бориб келай деса, йўл узоқ. Буёқда идора иши...

Қизғалдоқ сайлидан ҳориб-чарчаб қайтишди. Нилуфар уйга киргач, қорни очганини сезди. Ахир, тоза ҳавода кўп юришди-да. Чойдиш тагига ўт ёқди, нон идишни очди-ю, негадир тағин ёпиб қўйди. «Тегирмон унида ёпилган тандир нони бўлсайди...» Бўшашиб ўтириб қолди. Кўзи сал илинган экан, кўча эшигининг тақиллашидан чўчиб тушди. Шошиб бориб очди. Остонада... Онаси масрур жилмайиб турарди. Нилуфар унинг қучоғига ўзини отди. Шу кўйи дийдорлашишди. Сўнг қиз елиб-югуриб дастурхон ясатди, чой дамлади.

— Отанг «Бугун байрам кунида узоқ йўлга чиқасанми, эрта-индин борарсан» дедилар. «Бугун боргим келаяпти, отажониси» дедим. Ахийри кўндилар. Ўзиям кечадан бери кўзимга кўринавердинг, менга илҳақ бўлаётгандай туюлавердинг...

Онаси гапира-гапира қишлоқдан олиб келган катта тугунини очди. Бир даста тандир нонини олиб, дастурхон устига қўйди. Хонага нон иси ёйилди. Нилуфар кўзларини юмиб, ширин энтикди.

* * *

«Наврўз хосиятли кун, у одамларга меҳр улашади» дердилар энам. Меҳр аслида қаердан бошланади? Инсонларнинг юрагидан эмасми? Наврўз эса одамларнинг юрагига яқин, қадрдон. Кишилар бир-бировларидан меҳр қарздор эканликларини чуқурроқ тушунадилар шу куни...

Қадаминг хуш келсин, эй нурли айём. Барча-барчага меҳр улашавер. Токи бутун олам меҳру муҳаббатга тўлсин! - дегинг келади беихтиёр.

Г. ЖАМИЛОВА.



Юсуф Хос Ҳожиб

БЕЗАНДИ ОЛАМ ЧИРОЙ КЎРСАТИБ

Эса келди Шарқдан баҳорнинг ели,
Оламга очилди гўзаллик йўли.
Бўз ер ипорланди қору муз кетиб,
Безанади олам чирой кўрсатиб.

Ғолиб келди қишдан баҳор чиройи,
Янгидан қурилди баҳорнинг ёйи.

Қуёш қайтди яна келиб ўрнига -
Балиқ қуйруғидан Қўзи бурнига.

Баҳорга етишган дарахтлар сариқ, кўк, яшил ва қизил ранглар ёпиниб безанди.

Ер юзи ҳарир кийимлар кийган ёш қизлардай бўлиб ороланди. Бу гўё хилма-хил матоларни ортиб олган Чин карвонининг молини ёйган ҳолатига ўхшайди. Тоғлар, қирлар, далалар ҳам бутунлай яшил ва оқ рангларга бурканган. Минглаб гуллар, чечаклар ер остидан шодиёна бош кўтаришди. Бутун олам муаттар ҳидларга тўлди.

Чиннигул ҳидини ёяркан сабо,
Бутун дунё тўлди ипорга гўё.

Ғоз-ўрдак — жами қуш ҳавода шодон,
Ўйинга берилди қувониб чунон.

Кўкиш турна кўкда навосин чалар,
Туя карвонидек тизилар, чопар.

Бирови қўнар, кўр, бирови учар,
Бирови чопар, кўр, бири сув ичар.

Қушиқ айтди гўзал каклик тоғ ора,
Қизил оғзи қондек, қоши қоп-қора.

Қулоққа чалинар қора зоғ сози,
Гўё нидо солган қиздек овози.

Чечаклар оралаб юраркан булбул,
Оламни қуршади ширин бир ғул-ғул.

Чечаклар устида ўйнар оҳулар,
Буғулар бўйлашар, нозик оҳ урар.

Қовоқ осар осмон, кўзи ёш сочар,
Чечаклар-чи, қувноқ, кулиб юз очар.

Фалакда чарх уриб олам қушлари,
Бири келди Румдан, Ҳиндан аксари.

Чиройга кўмилган кўкатлар ўзи,
Яшилга беланган бу ернинг юзи.

Баъзиси ҳидидан берар дилга жон,
Уларнинг ранги-ла мунаввар жаҳон.

(«Қутадғу билиг»дан).

Наврўз куни бўй етган қизлар бир жойга тўпланишиб, чиройли гулчамбарлар ясашган. Булоқдан кўзада сув олиб келиб ичига узук, исирға, танга ташлашган. Кейин қўшиқ, лапарлар остида сувдан чиқазиб олинган нишоналар бахт рамзи деб ҳисобланган.

ЎЗИМИЗГА ҚАЙТГАН УДУМЛАР



Тонгга яқин сумалак қайнаётган қозонни ковлаётган момоларни уйқу элитиб, улар пинакка кетган пайтда осмону фалакдан учиб келган малойикалар қозонга туз ташлаб кетармиш. Сумалакка туз солинмаслигининг боиси шунда экан.

* * *

Сумалак пишириладиган куни ҳамма оҳорли кийим кийган. Янги кийим тикиб киёлмаган киши жимжилоғига тоза мато бўлагини боғлаб қўйса ҳам савобга ўтади дейдилар.

* * *

Наврўз дастурхонига 7 хил дарахт шохидан кесиб қўйилади. Улар: мажнунтол, зайтун, беҳи, анор, бодом, писта, ёнғоқдир. Улар қаторида қатиқ, сут, пишлоқ, тухум, балиқ ва ёниб турган шамлар қўйилган.

* * *

Наврўз куни подшолар ёшу ялангларга ош берган, элчидаги энг муносиб кишиларни тақдирлаган, бандиларнинг гуноҳидан кечган, урушлар тўхтатилган, одамлар бир-бирларининг гуноҳидан кечиб, олам-олам севинч улашган.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

ТЎРТ ТИЛДА ИЖОД ҚИЛАДИ

Умумхалқ байрами — Наврўз айёми арафасида Собит ва Ойпара Мамутовлар хонадони ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Меҳмонларнинг кўпчилиги 12-14 ёшлардаги ўсмир — ўғил ва қизлар эди. Улар синфдошлари — Дианани яна бир бора юксак унвон — Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги билан муборакбод этишди. Катталар эса «Устюрт» кон қидирув бошқармаси муҳандиси Собит ва Қўнғирот шаҳар босмахонаси ходимаси Ойпарани мустақил Ватанимизга муносиб фарзанд тарбиялагани билан чин дилдан қутлашди. Қўнғирот шаҳри ҳокимлигининг байрам совғалари топширилиб, мамлакатимиз шуҳратини оширишда ҳисса қўшаётган янги истеъдод соҳибаси номига олам-жаҳон илиқ сўзлар айтилди.

... Дарҳақиқат Қўнғирот шаҳридаги 83-мактабнинг VII-синф ўқувчиси Диана Мамутованинг қобилияти 7-8 ёшлардаёқ намоён бўла бошлади. Истеъдодли қизалоқ ёзган ҳикоялари биринкетин туман газетаси «Женис байрағы» («Ғалаба байроғи») саҳифаларида босилди. Сал ўтмасдан Нукусдаги «Жеткеншек» ва «Қарақалпақстан жаслары» газеталарида эълон қилинган «Йўлбарс тунаган тунлар», «Икки олам фарзанди», «Амударё ва Сирдарё ҳақида афсона» каби ўнлаб ҳикоялари ва чуқур маъноли шеърлари кенг жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди.

Диана ўзбек, қозоқ, инглиз тилларини жуда яхши билади ва асарларини тўрт тилда ёзади. Ҳозир эса Нукусдаги «Прогресс» тиллар ўрганиш марказининг Қўнғирот бўлимида туркман, корейс тилларини мукаммал ўрганмоқда. Есемурод Жиров номли мусиқа мактабининг фортепиано синфида қунт билан ўқияпти.


Ноёб истеъдод ва қобилият эгаси — Диананинг шеър ва ҳикоялар тўплами Тошкент нашриётларидан бирида чоп этилиши масаласи ҳам ҳал этилди. Китобни нашр қилиш билан боғлиқ ишларни ҳомий ташкилот — Ўзбекистон Темир йўллари давлат ҳиссадорлик компаниясининг Оролбўйи бўлими ўз зиммасига олди.

... Эндигина ўн уч баҳорни қаршилаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27-февралдаги қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган Диана Мамутова бир қарашда тенгқурларидан асло фарқ қилмайди. Серҳаракат, аълочи, фаол жамоатчи, адабиёт ва мусиқани жон-дилидан яхши кўради. Аммо, кўз тегмасин, унинг келажаги ҳали олдинда. Ҳеч шубҳасиз, Диана Мамутова Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида миллионлаб тенгқурларига ибрат кўрсатиб, ўз истеъдодини бор бўйи билан намоён қилади.

А.ИСКАНДАРОВ.

«КАТТА ДУБУЛҒА» ТУРНИРИ






Байрам кунларида Намангандаги «Дўстлик» теннис клубининг кортларида кетма-кет иккита йирик теннис турнири ўтқазилади. «Катта дубулға» деб номланган биринчи турнирда шаҳар ва туманлар халқаро турнири бошланади. Унда МДҲнинг қатор давлатлари, шунингдек, Ҳиндистон, Туркия, Япониянинг истеъдодли ёш теннисчилари иштирок этиши кутилмоқда.

(ЎзА).

«Катта дубулға» турнири якунлангач, 18 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг 5-ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, вилоят ташкилотлари, корхоналари раҳбарлари ўзаро куч синашади. Мусобақаларда жами юз нафардан ошиқ ҳаваскор теннисчи иштирок этади.

АЙЛАНМА КРОССВОРД



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:

1.Ишчи-хизматчиларни меҳнат соҳалари бўйича бирлаштирувчи оммавий ташкилот. 2.Янги рукн. 3.Мақолани нашрга тайёрлаш жараёни. 4.Миллионлар ўйини. 5.Истеъдод эвазига қозонилган обрў. 6.Турли соҳалардаги туб ўзгаришлар баён этилган рукн. 7.Саломатлик гарови. 8.Истиқлолдан мамнунлик. 9.Қийин шароитда кўрсатиладиган ғайрат. 10.Газета саҳифасини безатувчи. 11.Фармойиш. 12.Амалга оширилган эзгу фаолият. 13.Бахт, омад. 14.Вафодорлик. 15.Атроф-муҳит, борлиқ. 16.Илгари сурилган мулоҳаза, фикр. 17.Муаммо ва камчиликлар баён этилган, таҳлил қилинган рукн. 18.Шоирлар «гурунги». 19.Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи бўлим. 20.Азалий урф-одатларимиз мажмуи. 21.Айрим кишиларга қонун асосида бериладиган енгиллик, ёрдам. 22.Аллома, ижодкорларнинг ибратли сўзи. 23. Муаммо, ҳал этилиши зарур бўлган ... . 24. Энг муҳим.

МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланадиган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Шарқона мучал ҳисоби бўйича газетанинг биринчи сони нашр этилган йил — 14, 16, 2.

2. Нашрнинг ҳар бир донаси — 5, 7, 10, 15, 1.

3. Мақола, бадиий асарда баён этилган йўналиш — 4, 1, 11, 8, 7.

4. Бирор вазифани адо этишга бўлган қобилият — 3,1,17,14,1,13.

5. Фахрланиш ҳисси — 19,7,6,7,6.

6. Маълум бир муаммони ҳал этишни ўзлаштириш бўйича ўтказиладиган машқ — 13,6,18,5,9,5,12.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Улардан йўналиш бўйича ўқиш билан сизларга аталган табрик сўзларимизни билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 41-СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: 3.Панжнад. 6.Фарҳод. 8.Пайкал. 11.Сардоба. 12.Кампирровот. 15.Анҳор. 16.Варта. 18.Талас. 19.Дажла. 20.Ёвшан. 21.Сепоя. 23.Ардон. 25.Хилак. 27.Қирғизистон. 29.Ушарсой. 32.Олекма. 33.Парана. 34.Фаввора.

БЎЙИГА: 1.Ладога. 2.Варзоб. 4.Сойлик. 5.Табиат. 7.Амазонка. 9.Арканзас. 10.Адиртув. 13.Амур. 14.Олот. 16.Волга. 17.Асвон. 21.Саксовул. 22.Ясси. 24.Девзира. 25.Хумо. 26.Каркидон. 27.Қурама. 28.Найман. 30.Шаржай. 31.Оқдарё.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Андижон вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Йўлдошхон Машрабиевга акаси

Жўрахон МАШРАБИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6